

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР

1 СОН, 3 ЖИЛД

ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ

НОМЕР 1, ВЫПУСК 3

INNOVATIONS IN ECONOMY

VOLUME 1, ISSUE 3



TOSHKENT-2020

**ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР - ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ
INNOVATIONS IN ECONOMY**

№1 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-1>

**Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:**

академик
Гулямов Сайдахрар Саидахмедович

**Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори
Вохидова Мехри Хасановна

**"Иқтисодиётда инновация" журнали тахририй маслахат кенгаши
Международный редакционный совет журнала "Инновация в экономике"
International Editorial Board of the Journal of Innovation in Economics**

08.00.01 - Иқтисодиёт назарияси / Экономическая теория / Economic theory

Назаров Ш.Х. - и.ф.д.
Гафуров У.В. - и.ф.д., профессор
Мустафакулов Ш. И. - и.ф.д., доцент
Сайфуллаева М.
Маматкулов И.А.

Nanuli Khizanishvili - Doctor of Economic Sciences, Tbilisi Iv. Javakhishvili State University. Faculty of Economics
Екатерина Геннадьевна Господарик - к.э.н., доцент, заведующая кафедрой аналитической экономики и эконометрики экономического факультета БГУ

08.00.02-Макроиқтисодиёт / Макроэкономика / Macroeconomics

Салимов Б. Т. - и.ф.д., профессор,
Назаров Ш. Х. - и.ф.д.
Худайназаров А.К. - и.ф.д.
Худойкулов С. К. - и.ф.н. доцент,
Валиев Б. - PhD.
Сафарова Н.Н.

Зубиташвили Тамар - доктор туристических наук, Телавский государственный университет, Грузия

08.00.09-Жаҳон иқтисодиёти / Мировая экономика / World economy

Мурадова Х.М. - и.ф.д., профессор
Шарифхўжаев Ш.О. - и.ф.д.

Сардор Азам - и.ф.д.
Вохидова М.Х. - PhD.

**08.00.10-Демография. Меҳнат иқтисодиёти / Демография. Экономика труда /
Demography. Labor Economics**

08.00.13-Менежмент / Менеджмент / Management

Гулямов С.С. - академик
Умурзаков Б.Х. - и.ф.д., профессор,
Каршиев М.Э.
Маматкулов И.

Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1. Мирзакаримова М., Азимова Л.С. ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН МАМЛАКАТЛАРДА ЗАМОНАВИЙ БАНДЛИК ШАКЛЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ DEVELOPMENT OF NOVATION FORMS IN INNOVATION DEVELOPING COUNTRYS РАЗВИТИЕ СОВРЕМЕННЫХ ФОРМ ЗАНЯТОСТИ В ИННОВАЦИОННО РАЗВИТЫХ СТРАНАХ.....	4
2. Чўлпиев Т. М. ИШЧИ КУЧИ МИГРАЦИЯСИ ТУШУНЧАСИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ТАСНИФЛАНИШИ FUNDAMENTAL NATURE AND CLASSIFICATION OF LABOR MIGRATION СУЩНОСТЬ И КЛАССИФИКАЦИЯ МИГРАЦИИ РАБОЧЕЙ СИЛЫ.....	14
3. Жиянова Н.Э., Ортиков У.А. СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ ЖАХОН ТАЖРИБАСИ ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОН АМАЛИЁТИДА Қўллаш имкониятлари INTERNATIONAL EXPERIENCE OF TAX SYSTEM AND POSSIBILITY OF ITS APPLICATION IN UZBEKISTAN МИРОВОЙ ОПЫТ НАЛОГОВОЙ СИСТЕМЫ И ВОЗМОЖНОСТИ ЕЕ ПРИМЕНЕНИЯ ВУЗБЕКИСТАНЕ.....	24
4. Холов А. Х. ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК-ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP - IMPORTANT FACTOR FOR THE DEVELOPMENT OF OUR ECONOMY ГОСУДАРСТВЕННОЕ ЧАСТНОЕ ПАРТНЕРСТВО - ВАЖНОЕ УСЛОВИЕ УСКОРЕННОГО РАЗВИТИЯ НАШЕЙ ЭКОНОМИКИ.....	30
5. Мадреимов А.О., Мамутова К.М. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ THE ROLE AND IMPORTANCE OF FOREIGN INVESTMENT IN THE DEVELOPMENT OF THE NATIONAL ECONOMY РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В РАЗВИТИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ.....	38
6. Маннопова Э.Т. OLIY TA'LIM RAQOVATBARDOSHLIGI BOSHQARUVINI INTELLEKTUAL AXBOROT TIZIMLARI YORDAMIDA OSHIRISH INCREASING THE COMPETITIVENESS OF HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS WITH THE HELP OF INTELLECTUAL INFORMATION SYSTEMS IN MANAGEMENT ПОВЫШЕНИЕ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ВЫСШИХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ ЗА СЧЕТ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫХ ИНФОРМАЦИОННЫХ СИСТЕМ В УПРАВЛЕНИИ.....	44
7. Мурадова Н. У. ЛИЗИНГНИНГ ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТИНИ ЭЪТИБОРГА ОЛГАН ҲОЛДАГИ ИМКОНИЯТЛАРИ LEASING OPPORTUNITIES TAKING INTO ACCOUNT ITS INNOVATIVE POTENTIAL ВОЗМОЖНОСТИ ЛИЗИНГА С УЧЕТОМ ЕГО ИННОВАЦИОННОГО ПОТЕНЦИАЛА.....	54
8. Хақбердиева Н.К. КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИДА ЭКСПОРТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН СИЁСАТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ STAGES OF FORMATION AND DEVELOPMENT OF EXPORT-ORIENTED POLICY IN THE REPUBLIC OF KOREA ЭТАПЫ ФОРМИРОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ ЭКСПОРТОРИЕНТИРОВАННОЙ ПОЛИТИКИ В РЕСПУБЛИКЕ КОРЕЯ.....	59

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ

Мирзакаримова М.,
Ўзбекистон Миллий университети
доценти, и.ф.д.
Азимова Л.С.
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти
катта ўқитувчиси

ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН МАМЛАКАТЛАРДА ЗАМОНАВИЙ БАНДЛИК ШАКЛЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-1-1>

АННОТАЦИЯ

Мақолада инновацион тараққиёт йўлидаги хорижий мамлакатлар тажрибасида қўлланилаётган замонавий бандлик шакллари ўрганилган, республикада шaroитларига татбиқан ундан фойдаланиш имкониятлари аниқланган.

Таянч сўзлар: бандлик таркиби, замонавий бандлик шакллари, аутсорсинг, ижара асосидаги бандлик, саноатдаги бандлик, хизмат кўрсатишдаги бандлик.

Mirzakarimova M.,
National University of Uzbekistan
Associate Professor, PhD
Azimova L.S.
Tashkent Institute of Textile and Light Industry
Senior teacher

DEVELOPMENT OF NOVATION FORMS IN INNOVATION DEVELOPING COUNTRYS

ABSTRACT

In article it is studied the forms of employment, used of foreign experience of innovation development, the article analyzes variants of use in the republic.

Keywords: the structure of employment, the modern forms of employment, authoring,

the employment of industry, the employment of the service.

Мирзакаримова М.,
Национальный Университет Узбекистана
Доцент, к.э.н.
Азимова Л.С.

Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности
Старший преподаватель

РАЗВИТИЕ СОВРЕМЕННЫХ ФОРМ ЗАНЯТОСТИ В ИННОВАЦИОННО РАЗВИТЫХ СТРАНАХ

АННОТАЦИЯ

В статье изучаются формы занятости, используемых в зарубежной практике инновационного развития, определяется возможности его использования в условиях республики.

Ключевые слова: структура занятости, современные формы занятости, аутсорсинг, занятость в промышленности, занятость в сфере услуг.

Ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг ўзига хослиги доимо ижтимоий меҳнатнинг аниқ олинган даврдаги хусусиятлари ва ижтимоий-меҳнат соҳаси амал қилишининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатлари билан белгиланади. Ҳозирги замон иқтисодиёти жиддий ўтиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Мазкур чуқур ўзгаришлар ижтимоий-меҳнат соҳасининг амал қилишида у ёки бу тарзда акс этади. Энг аввало, ишчи кучининг тармоқ ва касб-малака таркибида туб сифат ўзгаришларини қайд этиш лозим. Бугунги кунда ишлаб чиқариш технологиялашганлигининг кучайиши туфайли саноат камроқ меҳнат сиғимли бўлиб бормоқда, ривожланган мамлакатларда бу соҳада ишловчилар АҚШ даги бандларнинг 11% идан Германия ва Италиядаги 17-20% игачани ташкил этмоқда. Бу эса айни вақтда ахборотларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш соҳасида банд ишчилар сонини анча кўпайтиришни талаб этмоқда. Ишлаб чиқариш соҳасидан ишдан бўшатирилганлар шу тариқа хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори технологияли тармоқларида интенсив равишда яратилаётган ишчи ўринларига ўтмоқдалар. Ҳатто "Иқтисодиётнинг терциализациялашуви" деган тушунча ҳам пайдо бўлди. Ижтимоий соҳадаги меҳнат ҳам катта аҳамият касб этмоқда, бунда соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий хизмат кўрсатиш каби тармоқлар, яъни инсон капиталининг шаклланиши учун "жавобгар" бўлган тармоқлар кўзда тутилмоқда. Бу тармоқлар ҳам кўпроқ технологияли бўлиб боради. Натижада бандларнинг касб-малака таркибида олий ва ўрта махсус маълумотли шахслар устунлик қилади.

Меҳнат ўзига хослигининг ўзгариши бандлар маълумот даражасининг ошишинигина кўзда тутиб қолмасдан, балки улардан бажариладиган ишга моҳирона ёндошувни ҳам талаб қилади. Экспертлар бу жараёни "ишчининг мавжуд касбий кўникма ва малакаларини қўллашдан" "қобилиятларини бошқаришга" ўтиш сифатида қайд этдилар.[14]

Меҳнатнинг ижодий хусусияти, ўз навбатида, уни яқкалаштиришни кўзда тутди. Бу мутахассисларга ҳатто замонавий, юқори даражада индустрлашган

меҳнатни унинг ривожланиши янги босқичида ҳунармандчилик билан таққослаш имконини беради.[15] Замонавий "ҳунармандчилик", энг аввало, ахборот ишлаб чиқариши соҳасида тарқалган, номоддий ижод билан боғлиқ ҳамда шунчаки касбий тайёргарлик даражасини эмас, балки интеллектуал ривожланишни ҳам талаб қилади.

Ходимларни танлаш билан шуғулланадиган замонавий агентликларнинг айрим қисмлари "бош овчилар" номини олган. Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир ижодий ишчи "донабай товар" ни ўзида мужассамлаштиради ва демакки, юқори даражада индустрлашган ишчилар индустрлашган ишчиларга қараганда, камроқ ягонадир. Бу нафақат улар томонидан бажариладиган ишларга, балки кўп ҳолларда иш жойининг ягоналигига тегишлидир. Ҳатто "телеишчилар" деган тушунча ҳам пайдо бўлди. Бу кўпинча одатдаги уй ишчилари эмас, балки юқори малакали бухгалтерлар, маслаҳатчилар, дизайнерлар, дастурловчилар, сценаристлар ва ҳ.к.лардир. Бундай ишловчиларга "савдо" жараёнида ёллаш шартлари учун индустрлашган даврда кенг тарқалган ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларини муҳофазалашнинг жамоавий механизмлари камроқ даражада зарур бўлади. Чунки лаёқат уларни иш берувчилар томонидан жуда юқори баҳоланадиган бетакрор мутахассисга айлантиради.

Бироқ ишчи кучи сифатига бўлган талаблар ошиб бораётганлиги туфайли меҳнат бозорида пасайган рақобатбардошлиги туфайли янги, юқори даражада индустрлашган меҳнат тақсимоотида "ёзилиш"га лаёқатсиз кўплаб ишчилар пайдо бўлади. Бу ерда алоҳида шахслар ҳақида эмас, балки аҳолининг бир бутун ижтимоий-демографик гуруҳлари ҳақида гап бораётганлигини қайд этиш жоиз. Бундай гуруҳларга: катта ёшдаги кишилар, паст маълумот ва малака даражасига эга бўлган шахслар, бола парвариш қилаётган, аммо даромад манбаларига муҳтож аёллар, меҳнат бозорига биринчи марта чиқаётган ёшлар киради. Қайд қилинган ижтимоий-демографик гуруҳларнинг барча вакиллари ҳам ўзгариб бораётган ишлаб чиқаришга мослаша олмайдилар ва меҳнат фаолияти давомида мунтазам қайта ўқитила олмайдилар. Ёшлар бошқа сабабларга кўра, "истисно этилганлар" қаторига кириб қолишлари мумкин - ёшлар етарли иш тажрибасига эга бўлмайдилар ва иш жойлари учун ўсиб бораётган рақобат шароитида ишлаётган ва ижобий "меҳнат тарихи" га эга бўлган ишчиларга ютқазиб қўядилар. Бундай ишчилар ҳам классик меҳнат муносабатларига тортилмайдилар, уларга тартибга солишнинг тегишли механизмлари татбиқ этилмайди. Меҳнат бозоридаги пасайган рақобатбардошлилик ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг янги механизмларини, масалан, муддатли меҳнат шартномаларини юзага келтиради. "Қисмий ишчилар", деган тушунча пайдо бўлди.

Шундай қилиб, меҳнатнинг яккалашиб бориши билан бир вақтда меҳнат бозорининг ва мос равишда, меҳнат муносабатларининг сегментлашиб бориши жараёни ҳам юз беради. Анъанавий индустриал ва ижтимоий (бюджет) тармоқларда амал қиладиган, ишчиларга муносиб ёллаш шароитларини таъминлайдиган жамоавий-шартномавий механизмлар ва қонунчилик томонидан тартибга солинадиган "классик" меҳнат муносабатларидан ташқари, янги меҳнат муносабатлари пайдо бўлади. Бу муносабатлар жуда турли-туман. Улар энг аввало, хизматлар соҳасининг юқори технологик сегментида вужудга келади. Бунда ишчилар якка тартибда ўзига қулай ва муносиб ёллаш шароитларини "савдолашиш" ҳолатида бўлмайдилар. Бундан ташқари, иқтисодиётнинг бир бутун секторлари вужудга келиб, уларда паст рақобатбардош ишчилар меҳнат қиладилар. Улар меҳнат муносабатларининг дастлабки икки гуруҳига хос бўлган бандликни

ижтимоий муҳофазалаш стандартларига даъво қиладилар.

Бунда ёлланма ишчилар охирги икки гуруҳларининг ижтимоий-меҳнат муносабатларини анъанавий ижтимоий кафолатлар нуқтаи назаридан беқарор сифатида тавсифлаш мумкин. Айрим мутахассислар ресурсларни тайёрлаш сифати ва даражасида сезиларли ўзгаришлар бугунги вақт воқеликларига хос меҳнат салоҳиятини тасвирлаш эгилувчан шакллари фойдасига меҳнат ресурсларининг бир хиллигидан чекинишга мажбур қилдилар.[4] Замоनावий меҳнатнинг янги "сифати", ижтимоий-меҳнат муносабатлари янги характери уларни тартибга солиш характерини ўзгартиришни белгилайди.

Ижтимоий барқарорликни сақлаш нуқтаи назаридан катта қизиқиш ва шу билан бир вақтда катта хатарни қарз олинган меҳнат ва уни таъминлайдиган меҳнат бозорининг янги муассасаси - бандлик хусусий агентликлари келтириб чиқаради. Бандликни тартибга солиш мазкур тузилмасининг вужудга келиши юқори даражада индустриалашган даврда меҳнатнинг характери ва ижтимоий-меҳнат муносабатларининг ўзгариши ҳамда меҳнат бозори самарадорлигини ошириш ва глобал дунё шароитида иш берувчилар учун ижтимоий харажатларни камайтириш зарурлиги билан белгиланади. ХБА фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ходимни ижарага бериш - ходимлар лизинги (аутстаффинг) ва асосий ишлаб чиқариш учун асосий бўлмаган пудратчи-корхоналар (аутсорсинг) томонидан алоҳида вазифаларнинг бажарилиши бўлиб қолади, ХБА шундай вазифаларни бажармоқда. Бу янги кадрлар технологиялари ҳозирги шароитда кўпроқ тарқалган. Кўп ҳолларда ХБА айнан анъанавий ёллаш шароитида ишлашни хоҳламайдиган ёки ишлай олмайдиган ишчилар учун меҳнатни "сотадилар". Бу ё "донабай" юқори малакали мутахассислар, ёки меҳнат бозорида кам рақобатбардош шахслар, бинобарин, кейингилари сон жиҳатдан устунлик қилмоқдалар.

Бу янги технологиялар фойдасига бизнеснинг асосий далили мунозара қилинмайдиган далил ҳисобланиб, улардан фойдаланиш меҳнат самарадорлигини кескин оширади, бу иш берувчиларнинг ишчи кучига ҳамда зарур мутахассисларни излашга харажатлари анча пасайиб бораётган шароитда ажабланарли эмас. Бунда ХБА қарзга олинган меҳнатни бандлик билан боғлиқ ижтимоий муаммоларни ҳам еча оладиган инновацион кадрлар сифатида қарамоқдалар.[5] Хусусан, ижтимоий кафолатлар ва меҳнат ҳаёти сифати нуқтаи назаридан фақат шундай "эгилувчан" механизмлар орқали замоनावий меҳнат бозорида паст рақобатбардошлиликка эга бўлган айрим гуруҳ ишловчилар унга "ёзилишлари", ҳимояланмаган, бузилган ёллаш шартларига рози бўлган ҳолда ишлашга ва турғун ишсизлик мустаҳкам доирасидан чиқиш имкониятига эга бўлишлари мумкин.

Айрим ривожланаётган мамлакатлар 1970-йилларнинг охирларидан бу инновацион кадрлар технологияларидан фойдаланишни ўзининг жаҳон меҳнат бозорига чиқиш муҳим ресурсига айлантирдилар. Масалан, Ҳиндистонда ривожланган мамлакатлар, энг аввало, АҚШ учун дастурловчилар ва бухгалтерлар тайёрлаш бўйича арзон таълим тизимини яратишга асосланган махсус ҳукумат дастури қабул қилинди.[6] Бу эса миллионлаб ишчилар бандлигини таъминлаш имконини бермоқда. Бундай "янги" меҳнат муносабатларининг ижобий жиҳатларини тасдиқловчи кўп сонли тадқиқотлар мавжуд.[13]

Бироқ бундай технологиялардан фойдаланиш барқарор меҳнат муносабатларига жиддий хатарларни ҳам, кенгроқ қилиб айтганда эса ишловчилар ҳаёти сифатини ҳам ўзида мужассамлаштиради. Бинобарин, меҳнат муносабатларини янада беқарорлаштирган ҳолда (иш ҳақи пасаяди, меҳнат шароитлари, ижтимоий

кафолатлар ёмонлашади) улардан давлат ва фуқаролик жамияти томонидан назоратсиз фойдаланилмоқда.

Аммо ривожланган мамлакатларда ҳам бундай "инновацион" кадрлар технологиясининг қўлланилиши ўн йил давомида юзага келаётган бандликни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш юқори даражасига эга бўлган ижтимоий давлатда ҳақиқатда тўла шакллантирмайди. Меҳнатга лаёқат ёшидаги шахсларнинг кўпчилиги - бу ёлланма ишчилар (ривожланган мамлакатлардаги меҳнатга лаёқат ёшидаги аҳолининг 60-65% и [3]) ва ёлланиб ишлаш улар учун ўзи ва ўз оиласини қулай турмуш сифати билан таъминлашнинг ягона усулидир. Бунда сегментлашган меҳнат бозори ва унда ҳар қандай шароитда ишлашга, юқори ижтимоий ҳимоя даражасига даъво қилмасликка мажбур кўп сонли шахсларнинг мавжудлиги ёлланма меҳнат шахсларининг ижтимоий бирлиги тамойилларининг амалга оширилишини қийинлаштиради ва ҳатто анъанавий ёллаш шароитларига эга бўлган соҳаларда ишловчиларга ҳам иш берувчилар билан мулоқотда жуда "талабчан" бўлиш имконини бермайди.

Айниқса, 2008-2009 йиллардаги иқтисодий инқироз ва ундан кейинги даврда вазият ўткирлашди. 2012 йил 20 сентябрда Москвада бўлиб ўтган Европа пойтахтларида муносиб меҳнат муаммолари бўйича Европанинг пойтахт касаба уюшмалари марказлари ХП-Халқаро Конференциясида ҳатто ижтимоий жиҳатдан энг фаровон мамлакатлар меҳнат бозорларида ҳам хусусий бандлик агентликлари экспансияси ва ҳимояланмаган бандликнинг ўсишидан далолат берадиган қўйидаги рақамлар келтирилди. Масалан, Швецияда ишсизликнинг паст даражаси шароитида ёллаш бўйича агентлик бозори ва улар орқали ёлланган ишчиларнинг иш ҳақи анча ўсди - ўртачадан 18% гача паст. Еврохудуднинг муваффақиятли ривожланаётган мамлакатларидан бири бўлган Германияда 30% дан ортиқ ишловчилар эгилувчан шароитларда банд. Берлинда вазият янада ёмонроқ - 42% ишловчилар беқарор бандлик ҳолатида, ишдан бўшаш хавфи остида турибдилар.[3] Ишсизлик даражаси юқори бўлган Европа мамлакатларида бунданда мураккаброқ вазият вужудга келмоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш янги механизмларининг пайдо бўлиши муаммосига илгари дуч келган хорижий мамлакатлар тажрибасининг таҳлили меҳнат бозорида турли агентлар фаолиятининг салбий жиҳатларини тўла ҳисобга олиш ва меҳнат соҳаси учун қандай хатарлар "ностандарт" меҳнат муносабатлари, қарз олинган меҳнат технологиясининг кенг тарқалишига олиб келишини англаш имконини беради.

"Анъанавий" меҳнат муносабатларининг ҳуқуқшуносларда кўплаб мунозаралар келтириб чиқараётган ва ёлланма ишчилар ва иш берувчилар ўртасида музокаралар "тамал тоши" ҳисобланган қарз олинган меҳнатдан асосий фарқи шуки, иш берувчининг вазифалари иккита субъект томонидан бажарилади ва меҳнат ҳуқуқий муносабатлари фуқаролик ҳуқуқий билан тўлдирилади, ишчи эса "ижарага олинган" (personal leasing, leased employers) бўлиб қолади. Фуқаролик ҳуқуқи соҳасида машҳур мутахассис В.В.Витрянский қайд этишича, "жисмоний шахслар фуқаролик ҳуқуқий субъектлари ҳисобланишади ва қандай шароитларда фуқаролик-ҳуқуқий битимлар объектларига тенглаша олмайдилар".[16]

Ҳақиқатан ҳам вақтинчалик ишга жойлаштириш бўйича агентлик фаолияти бу муҳим ҳуқуқий тамойилни бузади ва ижтимоий-меҳнат соҳасида жиддий муаммоларни юзага келтиради. Касаба уюшмалари корхоналарда вақтинчалик ишчилардан фойдаланиш ўша касб ва малакадаги доимий ишчиларнинг

манфаатларини камайтиради, деб ҳисоблайдилар. Бундан ташқари, бундай "қарз олинган" ишчилардан фойдаланишда паст иш ҳақи, беқарорлик ва етарли ҳимояланмаганлик, меҳнат жараёнига уйғунлашганлик ва ҳ.к.лар билан боғлиқ унчалик жиддий бўлмаган бошқа муаммолар ҳам юзага келади.

ХМТ, халқаро касаба уюшмалари бандликнинг анъанавий бўлмаган шакллари кенг тарқалишига қарши чиқмоқдалар. Шу билан боғлиқ равишда, ноанъанавий бандликнинг "легитивлиги" билан боғлиқ жиддий қийинчиликлар ҳам юзага келмоқда. "Қарз олинган" меҳнатнинг қўлланилиши у ёки бу шаклларда қонунийлашган мамлакатларда бу жараёни муҳокама қилишда касаба уюшмалари фаол иштирок этган, агентлик ишчилари меҳнатида фойдаланиш чекланган шароитда етарли даражада мураккаб кечди.

Қарз олинган меҳнатга рухсат берилган Европа мамлакатларида (Франция, Германия, Испания, Италия, Люксембург, Бельгия, Буюкбритания ва бошқа қатор давлатларда) у қонун билан қаттиқ тартибга солинади. Еврохудудда қарз олинган меҳнат ҳуқуқий муносабатлар алоҳида тури сифатида тан олинади. Европанинг кўплаб мамлакатларида хусусий бандлик агентлиги барча келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларига эга бўлган иш берувчи сифатида қаралади.[19]

Айрим Европа мамлакатларида умумий меҳнат қонунчилиги ХБА фаолиятига ҳам татбиқ этилади. Европа комиссияси Европа Иттифоқининг барча мамлакатларида ишловчилар энг кам меҳнат ҳуқуқларига риоя қилинишини кафолатлайдиган қарз олинган меҳнат тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиш зарурати ҳақидаги қарорни қабул қилади.

ХБА фаолиятини тартибга солиш ва чеклашнинг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

1) фаолият шароитлари. Агентлик одатда рухсатнома ёки лицензиялар асосида амал қилади. Лицензия бериш билан мос равишда сертификатлаш тизимидан фойдаланиш ҳам мумкин бўлади. Бундай ҳужжатни берадиган орган трипартизм тамойилларига асосланган комиссия ҳисобланади (унинг таркибига давлат бандлик хизмати ва хусусий агентлик вакиллари ҳамда иш берувчилар ва ишловчилар ваколатли ташкилотлари киришлари мумкин).

2) бандлик кафолатлари, муддатлари, касблар рўйхати. Айрим мамлакатлар қонунчилигида агар ишчи "қарз олинган" сифатида маълум муддатдан кўпроқ ишласа, у автоматик равишда муддатсиз битимга ўтади (Испания, Хорватия). Францияда агентлик ишчи билан муддатли шартнома тузиши ва бу шартнома бир йилдан ортиқ муддатга тузилиши мумкин эмас. Бошқа мамлакатларда ишчи ва ХБА ўртасидаги шартнома давлат бандлик органларида (ёки бошқа органларда) рўйхатга олинishi зарур, айрим вазиятларда иш берувчи буюртмани асослаши шарт.

Япония, Германия, Нидерландия, Италия, Франция, Бельгия каби мамлакатларда бундай агентликларнинг фаолияти фақат маълум машғулотлар доираси билан чекланади: юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш, вақтинчалик йўқ, доимий ишчиларнинг ўрнини босиш, кўп сонли ишчиларни жалб қилишга бўлган эҳтиёжни туғдирувчи ишлаб чиқаришни кескин кенгайтириш ва ҳ.к. Исталган вазиятда иш берувчи айнан қарз олинган ишчиларни жалб қилиш талаб қилинишини исботлаши шарт. Бинобарин, у яқинда ўз корхонасида ходимлар сонини қисқартиришни ўтказган бўлса, рухсатномада унга раддия билдирилади;

3) иш ҳақи. Айрим мамлакатларнинг қонунчилигида "қарз олинган" ишчининг

иш ҳақи доимий бандларникига қараганда, кам бўлиши мумкин эмаслиги меъёрлари кўзда тутилган. Австрия, Бельгия, Франция ва бошқа бир қанча мамлакатлар қонунчилиги, масалан, ХБА ишчига аниқ иш жойига татбиқан меҳнат шароитлари доимий ишчилардаги каби бўлишини кафолатлаши зарур.[21]

АҚШ меҳнат муносабатлари бўйича миллий кенгаш "манфаатларнинг умумийлиги"ни уч томонлама меҳнат муносабатларининг асосий тамойили сифатида белгилади. Бунда вақтинчалик ишловчилар доимий ишловчилар билан назорат умумий тартиблари, иш ҳақи нуқтаи назаридан меҳнат шароитлари ва манфаатлари, иш вақти ва бандлик шароитлари умумий тартиботларига эга бўладилар;

4) қўшимча тўловлар, фойдаланилмаган таътил, иш йўқлиги ва ҳ.к. лар учун кўзда тутилади. Германияда, масалан, ишчи ва агентлик ўртасида меҳнат шароитлари ва ишчининг ижтимоий ҳуқуқларини қамраб оладиган ёзма шартнома тузилади, ҳатто иши йўқ даврларда ҳам ишчи маълум мукофот олади. Бу муносабатлар ишчилар ижарасига тижорий ўтказишни тартиблайдиган махсус қонун билан тартибга солинади (1972 йилда қабул қилинган, 1995 йилда янги таҳрирда қабул қилинган);

5) меҳнат муҳофазаси. Финландия йирик компанияларида телеишлар тартиботи ишловчиларнинг саломатлиги ва меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича келишувлар билан тартибланади. Мазкур вазиятда меҳнат шароитлари устидан назорат тамойиллари идоралардаги кабидир ва ички тартиб қоидаларига боғланган;

6) ижтимоий дастурлар. Алоҳида мамлакатлар (масалан, Германия, Австралия) камроқ рақобатбардошлиликка эга бўлган аҳоли гуруҳларини ишга жойлаштириш бўйича хусусий хизматларнинг ишини рағбатлантиради: узоқ иш стажига эга бўлган ишсизлар, 16-17 ёшли ёшлар ва б. Уларни ишга жойлаштириш учун хусусий агентликлар бандликка кўмаклашиш жамғармаларидан қўллаб-қувватлаш махсус маблағларини олишлари мумкин;

7) касаба уюшмалари фаолиятини муҳофаза қилиш. Айрим мамлакатлар қонунчилиги ХБА ларнинг ишчилари иш ташловчилар ўрнига бора олмасликларини кўзда тутди. Масалан, Буюкбританияда Бандлик агентликлари ва бандлик бизнеси хулқ-атвор қоидалари (2004) шу сингари чекловларни киритади;

8) "қарз олинган" ишчиларнинг меҳнат муносабатларини жамоа-шартномавий тартибга солишдаги иштироки. Жамоа шартномалари ва келишувларининг "қарз олинган" ишчиларга тарқалиши масалалари турлича ҳал этилади.

Нидерландияда вақтинчалик ишчилар учун жамоа шартномаларининг қоидалари корхоналардаги ишларнинг давомийлигидан келиб чиқиб, ишчиларни ҳимоялашни босқичма-босқич тарқатишни кўзда тутди. Оқибатда кадрлар агентликлари томонидан ёллашга ўтказилаётган ишчи кучининг амалда бутун соҳаси меҳнат ҳуқуқий муносабатларини тартибга соладиган ҳолатларда (хусусан, меҳнатга ҳақ тўлаш, иш вақти миқдори, таътиллار узунлиги, дам олиш нафақаси, пенсия ҳажми ва ҳ.к.) жамоа шартномалари билан қамраб олинган.[7]

Финландиянинг меҳнат шартномалари тўғрисидаги қонунида ишчини ҳимоялашга қаратилган қоидалар мужассамлашган: иш берувчи ишчини у билан тузиладиган шартнома шартлари тўғрисида хабардор қилиши шарт. Бунда иш берувчи ишчини ёлланган ёки мустақил банд ишчи, деб ҳисоблайдими-йўқми аниқлаб олиши зарур. Жамоа музокаралари вақтинчалик ишчиларга тарқалади.

Аргентинанинг меҳнат шартномалари тўғрисидаги қонун қоидаларига мувофиқ, хусусий бандлик агентликлари орқали ёлланадиган ишчига жамоа

шартномаларининг амал қилиши ва касаба уюшмалари ваколатхонаси тарқалади. Швеция [20] ва Германия [10] намуналари қизиқарлидир. Бу ерда ХБА ва вақтинчалик ишчилар меҳнат муносабатларини аниқлайдиган жамоа шартномалари билан қамраб олинади. Нидерландия ва Данияда ХБА нинг қонунчилик тартибга солиши мавжуд, унинг меъёрий-ҳуқуқий асоси ижтимоий мулоқот жараёнида бу соҳани тартибга солишда жамоа музокараларининг ўсиб бораётган ролига урғу берган ҳолда ишлаб чиқилди.[2]

Францияда 2005 йилда МЕДЕФ француз тадбиркорларининг Бирлашмаси йирик касаба уюшмаларининг бирлашмалари "масофали" ишчилар бандлиги шароитларини тартибга соладиган тармоқлараро келишувни имзоладилар, уларнинг меҳнатини доимий ёлланиш шароитида ишлайдиган шахслар меҳнатига ҳуқуқий жиҳатдан тенглаштирдилар. Швецияда 2000 йилда айнан "масофали" ишчилар ҳисобига касаба уюшмалари аъзолари сонининг анча ўсиши юз берди, улар касаба уюшмаларида уларнинг бандлиги барқарорлигини ҳимоя қила оладиган кучни кўрдилар.

Умуман, қарз олинган меҳнатни тартибга солиш хорижий тажрибасининг таҳлили мазкур масалага ягона универсал ёндошувни ишлаб чиқиш мумкинмаслигидан далолат беради. Ҳар бир мамлакатда муаммо юзага келган меҳнат ҳуқуқи тизимидан, миллий меҳнат бозори амал қилишининг институционал хусусиятларидан, маданий-тарихий хусусиятлардан, миллий меҳнат бозорининг глобал ва кўплаб бошқа омилларга қўшилганлигидан келиб чиқиб, ҳал қилинган ва ҳал қилинади. Бундан ташқари, бундай тартибга солишга янада муваффақиятлироқ мисоллар "тор" жойларни аниқлаш ҳамда мос чоралар ва ҳаракатларни қабул қилишга асосланиб, у тор йўналтирилган, "нуқтали" ва айни вақтда комплекс хусусиятга эга бўлган мамлакатларда учрайди.

Ривожланган мамлакатларда ижтимоий нуқтаи назардан қабул қилинмайдиган янги кадрлар технологияларидан фойдаланишнинг оқибатларини юмшатиш ишида ижтимоий-меҳнат муносабатларини жамоа-шартномавий тартибга солиш ёки ижтимоий мулоқотга киришишнинг муҳим ролини қайд этмаслик мумкин эмас. ХМТ нинг 181-сонли ("Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида" ги) Конвенцияси 2-моддаси 4-бандида ёзилишича, ХБА фаолиятини тартибга соладиган махсус қонунларни фақат "иш берувчилар ва ишловчиларнинг ваколатли ташкилотлари билан маслаҳатлашувлардан кейин" қабул қилиш мумкин. Бунда 4-модда "ХБА да ёлланган ишловчилар бирлашмалари озодлиги ва жамоа музокаралари ўтказиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмаслигини таъминлайдиган чоралар кўриш" ёзиб қўйилган. Масалан, Фарбий Европанинг кўплаб мамлакатларида бугунги кунда бутун банд аҳолининг 1% идан 2,5% игачаси қарз олинган меҳнат секториде ишламоқда.[17] ХМТ маълумотларига кўра, Евро Иттифоқ 15 та мамлакатиде 1,4 млн. ишчилар (умумий бандлар сонининг 1,4% и) қарз олинган ишчилар сифатида ишламоқдалар.[18]

Бироқ кузатилаётган жараёнлар меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг айнан шу шакллари охириги йилларда янада интенсивроқ тарқалмоқда. Кенг кўламда барча келиб чиқадиган оқибатлари, шу жумладан, ижтимоий суғурта бўйича мажбуриятларни тугатиш билан меҳнат ҳуқуқий муносабатларининг мавжудмаслиги жиддий ижтимоий низолар билан бирга боради ёки меҳнатга ҳақ тўлаш даражасини тубдан ошириш ва ижтимоий ҳимояланмаган аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш янги механизмларини топишни талаб қилади. Якка меҳнат муносабатлари, айниқса, меҳнатдан фуқаролик-ҳуқуқийгача бўлган вазиятларда ишчилар учун хавфлидир.

Бу вазиятларда турли меҳнат соҳаси билан боғлиқ рисклардан суғурталаш муаммоси тўлиқ ишчилар елкасида ётади ва мутлақо унинг якка жавобгарлиги доираси бўлиб қолади. Ишчининг фаровонлиги муаммоси ҳақиқатан ҳам 100% у олган иш ҳақи ҳажми билан боғланган.

Ижтимоий сиёсат соҳасидаги етакчи тадқиқотчиларнинг қайд этишларича, "меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида яккалашишнинг кучайиши барқарор даромад манбаи (кафолатланган иш ҳақи) ва ижтимоий суғурта ривожланган тизими мавжуд бўлганда, уйғун кечиши мумкин. Унинг қабул қилинган модели XX аср давомида амал қилди. Бу доимий бандлик ва аҳоли даромадларининг ҳам, замонавий жамият ижтимоий интеграциясининг ҳам муҳим масаласидир".[11]

Ўзбекистонда юқорида таъкидланганидек, нотипик бандлик гарчи ҳали кенг тарқалмаган бўлсада, юқори ўсиш суръатларига эга. Айниқса, иш берувчилар бандлар учун ижтимоий кафолатларнинг паст даражасисиз ҳам нафақат ёрдамчи вазифаларни, балки асосий, ижтимоий-меҳнат муносабатларини жамоашартномавий тартибга солишнинг етарли кучли бўлмаган анъаналари доирасидан ташқари чиқишга уринадилар. Бунда хусусий бандлик агентликлари ва иш берувчилар агентлик ишчилари меҳнатидан уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш манфаатларини ҳисобга олмаган ҳолда фойдаланишни қонунан мустаҳкамлаш жараёнини келтирадилар. Бироқ бизнинг фикримизча, Ўзбекистонда ёллаш ва ишга жойлаштириш соҳасидаги хизматлар бозорининг ривожланиши мазкур босқичда шу сингари қонунни қабул қилиш ва амалга ошириш учун ҳали объектив шарт-шароит етарли эмас. Энг аввало, меҳнат бозори барча субъектларининг манфаатларини ҳисобга оладиган бандликка кўмаклашиш давлат концепцияси зарур. Бандликни тартибга солиш соҳасидаги асосий стратегик вазифаларни ҳал қилишда меҳнат бозори барча институтларининг келишувчанлиги ва ўзаро бир-бирини тўлдиришини (шу жумладан, давлат ва нодавлат бандлик хизматлари) кўзда тутадиган концепцияни қабул қилмасдан туриб, хусусий бандлик агентликлари фаолиятини тартибга солиш бўйича тегишли қонунчиликни ишлаб чиқиш вазифасини ҳал қилиб бўлмайди.

Бу қонидани амалга ошириш учун фуқаролик жамияти етакчи институтларидан бири сифатида касаба уюшмалари ролининг кучайиши ва шу билан боғлиқ мамлакатда ижтимоий шериклик тизимига янги сифат берилиши керак. Ваҳоланки, ХМТ конвенция ва тавсияларини қўллаш бўйича экспертлар қўмитасининг мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий сиёсат асосий йўналишлари бўйича ижтимоий шериклар маслаҳатлари амалиётини таҳлил қилиб, "Умумий шарҳи" да қайд этилишича, ижтимоий шериклар маслаҳатларининг самарали тартиботини яратиш учун мамлакатдаги ижтимоий мулоқот умумий даражаси муҳим аҳамият касб этади. Бу хулоса тартибга солишнинг айнан янги, ноанъанавий шакллари тегишли бўлган ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасига киради.

References

1. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. М., 2000. кн. 2.: Договоры о передачи имущества. С.464.
2. "Временная периодическая деятельность расширенном ЕС", июнь 2006 г. URL:[http://eurofound.eu.iut/thematicfeature 14.html](http://eurofound.eu.iut/thematicfeature%2014.html).
3. Доклад Мирового банка "О Мировом развитии 2011: конфликты, безопасность и развитие" URL: <http://www.tn.org/ru/development/guveys/does/>


worlddev2011.pdf.

4. Научные труды Института народнохозяйственного прогнозирования РАН./ гл.ред.А.Г.Коровкин, М.: МАКС Пресс, 2007. С.189.
5. Нетипичные формы занятости: заёмный труд и аутсорсинг.// Итоги. 2008 г. 18 август.
6. Кузнецов С.Е. Влияние международной торговли услугами США на американский рынок труда.//Труд за рубежом. 2009. №4. с.55.
7. Киселева Т. Часные агентства занятости: проблемы законодательного регулирования деятельности.// Менеджер по персоналу. 2007. №10.
8. Луданик М.В. Дистанционная занятость в России: перспективы развития и проблемы регулирования регионов России. 2007. №8/9. с.71-86.
9. Либо М.Г., Фей К. Эффективное управление (HRM) виртуальными работниками в России./Стокгольмская школа экономики в России (SSE Russia; Институт международного бизнеса Стокгольмской школы экономики 2001. URL:http://www.sserussin.org/rseru7pages/rsr/p_research_projects-r, и др.
10. Рамочный коллективный договор о временной работе. Германия. VRL:/ www/bze.de/tarif/tarifvertraege.php.
11. Роек В.Д. Социальная справедливость: доктрина Совета Европы и задачи для России// Труд за рубежом. 2009. №1. С.32.
12. Скавитин Л.А. Телеработа в Европе, или работающие без стилков.// Управление персоналом. 2004. №22.
13. Смирных Л.П. "Агентская" занятость: взгляд со стороны предложения труда.//Материалы конференции./под ред.Г.А.Ахинова, В.В.Елизарова, Е.Н.Жильцова, Р.П.Колосовой: экон.фак. МГУ им М.В.Ломоносова. 21 ноября 2007 г. М.: МАКС Пресс, 2007. С.218.
14. Черняева Д.В. Непрофсоюзные формы представительства работников в коллективных трудовых отношениях.//Труд за рубежом. 2008.№3.с.60.
15. Шкаратся О. Русская культура труда и управления.// Общественные науки и современность. 2003. №1, с.30-54.
16. http://www.soldieries.org/fleprus/profsoyuzuayazhizn/profsoyuznaya-zhizn_9232.html.
17. European Foundation for the Improvement of living and Working Conditions/ Temporary agency work in an enlarged European Communities (VIII).
18. <http://www.ubo.ru/articles/?ont=131&pub=400>.
19. Blanpant R. Temporary work and labor law of the European Community and Member States. The Hague: L\$ N.Y.: Khwer law International, 1993.
20. Mystrom B. The legal Regulation of Employment Agencies and Employment lensitg Comutunies in Swerden // Compuretive labor low and Paliey Journal/ vol. 23, №1.
21. Storrie D. Temporary Agency Work in the European Union. Lurenteing: office for European Communities, 2002. p.28.

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

Чўллийев Тўлқин Мехмонқулович
ЖИДУ, "Жаҳон иқтисодиёти" ихтисослиги докторанти

ИШЧИ КУЧИ МИГРАЦИЯСИ ТУШУНЧАСИНИНГ МОҲИАТИ ВА ТАСНИФЛАНИШИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-1-2>

АННОТАЦИЯ

Мақолада миграция тушунчасига олимлар томонидан берилган таърифларни бирлаштирган ҳолда, унинг моҳияти очиқ берилган. Ишчи кучи миграцияси масаласи таҳлил қилинган. Шунингдек, замонавий миграцион жараёнлардаги энг долзарб муаммолардан бири - таснифлаш масаласи кўриб чиқилиб, умумий тасниф шакллантирилган.

Калит сўзлар: Миграция, ишчи кучи миграцияси, миграциянинг таснифланиши.

Chulliev Tulkin Mexmonqulovich
UWED, PhD Student in specialty of 'World Economy'

FUNDAMENTAL NATURE AND CLASSIFICATION OF LABOR MIGRATION

ABSTRACT

The article explains the fundamental nature of migration by combining the definitions given by other scholars. The issue of labor migration is analyzed. One of the most important problems in contemporary migration processes - the problem of classification - is researched and a general classification is provided.

Keywords: Migration, Labor migration, Classification of migration.

Чуллийев Тулкин Мехмонкулович
УМЭД, докторант по специальности "Мировая экономика"

СУЩНОСТЬ И КЛАССИФИКАЦИЯ МИГРАЦИИ РАБОЧЕЙ СИЛЫ

АННОТАЦИЯ

В статье объясняется сущность миграции, комбинируя определения, данные другими учеными. Анализируется проблема трудовой миграции. А также, исследована одна из важнейших проблем в современных миграционных процессах - проблема классификации и дана общая классификация миграция.

Ключевые слова: Миграция, миграция рабочей силы, классификация миграции.

Миграция - инсониятнинг ривожланиши тарихида азалдан муҳим аҳамиятга эга феномен. Аҳолининг, хусусан, меҳнатга лаёқатли қатламнинг географик кўчиши ҳар доим демографик ўсиш, технологик ўзгаришлар, сиёсий можаролар ва ҳатто урушларга олиб келган. Шу билан бир қаторда, шуни алоҳида таъкидлашимиз зарурки, XX аср том маънода миграция асри бўлди: мазкур ҳодиса шу пайтгача жамият ҳаётида, иқтисодиёт ва сиёсатда бу қадар катта ўзгаришларга олиб келмаган эди. Шу нуқтай назардан, меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўз хоҳиши билан бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиб ўтиши, жаҳон иқтисодиётида оммавий кузатилаётган феномен сифатида олимлар учун эътибор қаратиш керак бўлган асосий мавзулардан бири ҳисобланади.

Миграция нима, унинг сабаблари нималардан иборат, моҳияти қанақа, у қандай таснифланади? Кенг маънода, миграция тушунчаси "инсонларнинг етарлича узоқ масофага, етарлича узоқ муддатга кўчиб ўтиши"ни [1] англатади. Жаҳон иқтисодиётида эса, ишчи кучи миграцияси тушунчаси меҳнатга лаёқатли аҳолининг бир мамлакатдан бошқасига бир йилдан узоқ муддатга ишлаш учун кўчиб ўтишини билдиради.

Ҳозирги кунга келиб, илмий адабиётларда миграция тушунчасининг бир қатор таърифларини учратишимиз мумкин. Хусусан, ушбу тушунчага илк илмий таърифни 1885 йили немис географи Э. Равенстейн ўзининг "Миграция қонунлари" асарида бериб ўтган. Унга кўра миграция - "кишиларнинг ўз яшаш жойларини доимий ёки вақтинчалик муддатга ўзгартириши". [2]

БМТ томонидан 1958 йилда чоп этилган кўп тилли демографик луғат эса миграцияга "яшаш жойини ўзгартириш мақсадида одамларнинг кўчиши" дея таъриф беради. Шу билан бирга мазкур луғатда "миграция" ва "миграцион ҳаракат" тушунчалари ҳамоҳанг тушунчалар сифатида келтирилиб ўтилганлигини кўришимиз мумкин. [3]

Б.Д. Бреев эса, "миграция (ҳудудий кўчиш) - маълум бир ҳудуд ичида ёки ҳудуддан ташқарига одамларнинг кўчиши", - деган фикрни илгари суради. [4]

В.И. Переведенцевнинг фикрича, "аҳоли миграцияси - кўчишнинг бир кўриниши бўлиб, хусусан макон бўйича кўчиш ҳисобланади". Ёки "нисбатан торроқ маънода, миграция деганда кишиларнинг ҳудуд бўйича кўчишлари йиғиндиси тушунилади ва бу жараён уларнинг нисбатан узоқроқ муддатга ўз яшаш жойларини ўзгартиришлари билан боғлиқ". [5]

Л.Л. Рыбаковский аҳоли ҳаракатини уч қисмга бўлади: ижтимоий, табиий ва миграцион. [6] Аҳолининг ижтимоий ҳаракати унинг бир ижтимоий қатламдан иккинчи ижтимоий қатламга ўтиши билан боғлиқ барча жараёнларни ўз ичига олади. Бу жараёнларни социология фани ўрганади. Аҳолининг табиий ҳаракати демография фанининг предмети бўлиб, бунда асосан, туғилиш ва ўлиш ҳисобига аҳоли сонининг ўзгариши таҳлил қилинади. Миграция эса, ўз навбатида, давомийлигидан, доимий ёки вақтинчалигидан, мақсадидан қатъий назар

аҳолининг маълум бир маъмурий-худудий бирлик доирасида механик кўчиши билан боғлиқ. [7]

В.А. Ионцевнинг фикрига биноан, "Халқаро меҳнат миграцияси - меҳнатга бўлган қобилиятнинг сотилиши, яъни у ёки бу корхонада ишга жойлашиш ва ишлаш ҳамда у учун ҳақ олиш мақсадида давлат чегарасини кесиб ўтиш билан боғлиқ бўлган жараён". [8]

Яна бир Россиялик олим О.Д. Воробьеванинг қарашларига кўра, аҳоли миграцияси - аҳолининг маълум маъмурий-худудий бирликларни, хоҳ ички, хоҳ ташқи бўлсин, кесиб ўтиш билан боғлиқ ҳар қандай худудий кўчиши. Бунда кўчиб ўтаётган аҳоли мақсади доимий ёки вақтинча яшашми, инобатга олинмайди. [9]

Д.Хейзел эса, ўз навбатида қуйидаги таърифни ишлатади: миграция - шундай географик ҳаракатки, у мазкур ҳаракатда иштирок этаётган шахснинг ўз яшаш жойини маълум бир сиёсий ва статик пунктлар доирасида ўзгартириш билан боғлиқ бўлади (Д. Хейзел, 1984, 6.2.5 Vol. I, P. 448).

С. Эйзенштадт миграцияни "бирор индивид ёки гуруҳнинг бир жамиятдан бошқа жамиятга жисмоний кўчиши", - деб ҳисоблайди. [10]

"Умуман олганда, миграция яшаш жойини ўзгартириш билан боғлиқ ҳаракат ва у одатда доимий характерга эга". [11]

Ўзбек олимларидан Е.В. Абдуллаев ишчи кучи миграциясини "ишчи кучининг янги ишга жойлашиб, кўпроқ даромад кўриш мақсадида механик кўчиши", сифатида талқин қилади. [12]

Д.В. Расулова, "Аҳоли миграцияси - халқаро иқтисодий муносабатларнинг дастлабки кўриниши саналади. Мигрантлар яхши яшаш шароитларини топиш мақсадида йўлга чиқишлари, яъни мамлакатлар орасида меҳнат ресурслари миграциясини амалга оширсалар ташқи миграция саналади, агар бу бир мамлакат доирасида юз берса, ички миграция ҳисобланади", - деган фикрни илгари суради. [13]

З.А. Қодирова эса, барча ёндашувларни бирлаштиришга ҳаракат қилган ҳолда, қуйидагиларни таъкидлайди. "Халқаро меҳнат миграциясини келтириб чиқарувчи омил ва сабаблар икки турда яъни, иқтисодий ва ноиқтисодий шаклда намоён бўлади. Фикримизча, иқтисодий омилларга мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёт даражаси, аҳоли турмуш даражаси ва даромадлар ўртасидаги тафовутлар, ноиқтисодий омилларга эса, диний, сиёсий, оилавий, этник каби омилларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Халқаро меҳнат миграциясини назарий ва амалаий жиҳатдан тадқиқ этишда айнан шу омилларга алоҳида эътибор қаратиш ва мамлакатларнинг ўзига хос хусусиятлари ва манфаатларидан келиб чиқиб, мазкур омиллар таъсирини кучайтириш ёки бу таъсирлар олдини олиш мақсадга мувофиқ". [14]

Шу ўринда Халқаро миграция ташкилотининг (ИОМ) миграция ва ишчи кучи миграциясига берган таърифларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ. Унга кўра, миграция - бир шахннинг ёки шахслар гуруҳининг халқаро чегара ёки давлатнинг ички чегарасини кесиб ўтиши. Бу аҳолининг шундай ҳаракатики, унда муддат, мақсад, сабабнинг қандай бўлиши аҳамиятга эга эмас; бу жараён ўз ичига қочоқларнинг кўчишини, мажбурий кўчирилган шахсларнинг (displaced person, DP) кўчишини, иқтисодий мигрантларни ҳамда бошқа мақсадларда кўчаётганларни қамраб олади. [15]

Мазкур ташкилот томонидан ишчи кучи миграциясига қуйидагича таъриф

берилади: ишчи кучи миграцияси - шахсларнинг бир давлатдан бошқа давлатга ёки ўзи резидент ҳисобланган давлат ҳудудида ишга жойлашиш мақсадида кўчиши. Ишчи кучи миграцияси кўпгина давлатлар томонидан уларнинг миграцияга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари орқали тартибга солинади. Бундан ташқари, баъзи давлатлар ташқи миграцияни назорат қилиш доирасида чет элларда ўз резидентлари учун имкониятлар яратиш билан фаол шуғулланишади. [16]

Миграция феноменини англаш ва уни тафсифлаш ҳар доим объектив критерийлар ва субъектив мотивларга асосланган бўлиши шарт. Ушбу феномени тўлиқ тушуниш - ҳар иккала факторларни ҳам тенг баҳолашга боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, миграция феноменини қуйидагича таснифлашимиз мумкин: [17]

1. Географик тасниф. Бунда маъмурий ва сиёсий бирликлар, хусусан, ҳудудлар, континентлар, минтақалар, давлатлар ва бошқа маъмурий-географик бирликлар билан боғлиқ масофани (ёки чегарани) резидентлар, фуқаролар ва маълум бир миллатга мансуб шахслар томонидан босиб ўтилиши назарда тутилади. Мазкур тасниф бўйича, агар ҳудудлар асос сифатида олинadиган бўлса, қуйидаги категориялар ажратиб кўрсатилиши мумкин:

А) Ички миграция. Белгиланган ва яхлит ҳудуд (давлат, минтақа кабилар) доирасидаги миграция. Бундай миграциянинг ҳам бир неча кўринишлари мавжуд:

1. Қишлоқ-Шаҳар миграцияси: қишлоқ жойидан шаҳарга кўчиш;
2. Шаҳарлараро миграция: бир шаҳардан бошқасига кўчиш;
3. Шаҳар-Қишлоқ миграцияси: шаҳардан қишлоққа кўчиш;
4. Қишлоқлараро миграция: бир қишлоқдан бошқасига кўчиш;
5. Кўчманчилик: бир ҳудуд доирасида доимий кўчиб юриш;
6. Трансҳюманс: чорвадорлик жамиятларида бир яйловдан бошқасига кўчиш;
7. Муниципал бирликлараро миграция: бир муниципал бирликдан бошқасига кўчиш;

8. Ҳудудлараро миграция: бир ҳудуддан бошқасига кўчиш.

Б) Халқаро миграция. Бир ёки бир неча давлат чегараларини кесиб ўтиш билан боғлиқ миграция. Географик контекстан келиб чиқиб, халқаро миграцияни ҳам бир неча категорияларга бўлишимиз мумкин:

1. Трансокеан миграция: бир ёки бир неча океанни кесиб ўтиш билан боғлиқ миграция;

2. Трансконтинентал миграция: бир ёки бир неча континентни кесиб ўтиш билан боғлиқ миграция;

3. Чегара миграцияси: ўзаро чегарадош икки ҳудудда содир бўлувчи миграция;

4. Ҳудудий миграция: бир ҳудуд доирасида юзага келувчи халқаро миграция.

Географик тасниф бўйича, агар йўналиш асос сифатида олинadиган бўлса, қуйидаги категориялар ажратиб кўрсатилиши мумкин:

А) Эмиграция. Бирор мамлакат ёки географик ҳудудни тарк этиш. Бунда, миграцияга мигрантнинг келиб чиқиш ҳудуди нуқтаи назардан қаралади.

Б) Иммиграция. Бирор мамлакат ёки географик ҳудудга кириш. Бунда, миграцияга мигрантнинг бораётган ҳудуди нуқтаи назардан ёндашилади.

В) Транзит миграция. Бошқа бир ҳудуд ёки давлатга ўтиш учун учинчи бир давлат чегарасини кесиб ўтиш.

Г) Қайтиш ёки реэмиграция. Мигрантнинг борган ҳудудидан келиб чиқиш ҳудудига қайтиши.

2. Хронологик тасниф. Мазкур тасниф бўйича миграция феномени вақт нуқтаи назаридан субъектив (мигрант томонидан кўчиш учун режалаштирилган муддат)

ва объектив (амалдаги муддат) категориялар билан таснифланади. Хусусан, қўйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

А) Мигрант томонидан кўчиш учун режалаштирилган муддат бўйича миграция. Бунда мигрант ўзининг келиб чиқиш ҳудудидан бошқа ҳудудга маълум муддатга кўчиб ўтишни режалаштиради. Режалаштирилган муддат бўйича миграция қўйидагиларга бўлинади:

1. Вақтинча миграция: мигрант ўз келиб чиқиш ҳудудидан бошқа ҳудудга вақтинча кўчиб ўтишни режалаштиради.

2. Доимий миграция: мигрант ўз келиб чиқиш ҳудудидан бошқа ҳудудга доимий кўчиб ўтишни режалаштиради.

3. Аниқланмаган миграция: бунда доимий ёки вақтинча кўчиб ўтиш масаласи аниқланмаган бўлади.

Б) Амалдаги муддат бўйича миграция. Бунда мигрантнинг (ёки мигрантлар гуруҳининг) ўз ҳудудидан бошқа ҳудудга амалда қанча муддатга кўчиб ўтганлиги англашилади. Амалдаги муддат бўйича миграциянинг қўйидаги турлари мавжуд:

1. Муддат бўйича чекланган миграция: бунда мигрантнинг бошқа ҳудудда бўлиш муддати чекланган бўлади. Муддат бўйича чекланган миграциянинг қўйидаги кўринишлари мавжуд:

- Контракт (келишув) асосидаги миграция. Мигрант ва қабул қилувчи томон орасидаги контрактга асосланган миграция.

- Даврий миграция. Қабул қилувчи ҳудудга кўчиш муддати бир йилдан кам ва одатда йилнинг маълум бир вақтларида қайта-қайта такрорланади (қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларида кўпроқ кузатилади).

- Тебранма (маятникли) миграция. Бундай миграция муддати 24 соатдан (бир кун) кам ва бу ҳар куни такрорланади.

2. Муддат бўйича чекланмаган миграция: бунда маълум бир ҳудудга кўчиш муддати чекланмаган.

3. Демографик-иқтисодий тасниф. Мазкур тасниф бўйича миграция феномени мигрантнинг демографик ва иқтисодий ҳолати асосида тушунтирилади. Хусусан:

А) Миграция субъекти бўйича. Кўчаётган кишиларнинг ижтимоий, иқтисодий, демографик келиб чиқиши бўйича категория:

1. Якка миграция: миграция субъекти алоҳида шахс ҳисобланади;

2. Оилавий миграция: миграция субъекти оила бўлади;

3. Ёппасига миграция (ялпи кўчиш, эксодус): миграция жараёнида жуда кўп одамнинг иштирок этиши;

4. Эркаклар/Аёллар миграцияси: гендер критерийси бўйича миграция;

5. Болалар/Ўрта ёшдагилар/Катталар миграцияси: ёш критерийси бўйича миграция;

6. Биринчи авлод миграцияси: ўз ҳудудларидан бошқа ҳудудга кўчган мигрантлар гуруҳи;

7. Иккинчи авлод миграцияси: биринчи авлод миграциясида иштирок этган мигрантлар фарзандларининг кўчиши;

8. Учинчи авлод миграцияси: биринчи авлод миграциясида иштирок этган мигрантлар невараларининг кўчиши;

9. Миграция оқими: белгиланган муддат давомида (масалан, 1 йил) бир ҳудуддан бошқасига кўчган шахслар сони. Йўналишига қараб эмиграция ва иммиграция оқимига бўлинади;

10. Миграция кўлами: маълум бир ҳудудда белгиланган санадан бошлаб

яшаган мигрантларнинг умумий сони;

11. Мигрант аҳоли: маълум бир вақт давомида бирор ҳудудда яшаётган чет элликлар (мигрантлар) ва уларнинг оила аъзолари;

12. Мигрантлардан ташкил топган меҳнат ресурслари: маълум ҳудуддаги ишлашга лаёқатли (ёш жиҳатдан) мигрантлар.

Б) Иш билан бандлик бўйича. Ушбу йўналишда ҳам бир неча категориялар мавжуд:

1. Қишлоқ хўжалиги, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишчилар миграцияси;

2. Малакали (ёки юқори малакали) ишчилар миграцияси: юқори малакани ва кўникмаларни талаб қилувчи ишда ишлаш мақсадида амалга ошадиган кўчиш;

3. Малакасиз (ёки паст малакали) ишчилар миграцияси: ҳеч қандай касбий малакани талаб қилмайдиган ишларда ишлаш мақсадида амалга ошадиган кўчиш;

4. Брейн-дрейн ("ақл"нинг кўчиши): юқори малакали кишиларнинг оммавий халқаро кўчиши (келиб чиқиш ҳудудига қайтиш эҳтимоли паст);

5. Технологик миграция: технологиялар соҳасидаги юқори малакали кадрларнинг кўчиши;

6. Мустақил ёки шахсий иш билан боғлиқ миграция: мигрантнинг ўз шахсий иши/бизнесини юритиш учун кўчиши;

7. Номустақил ёки тобе миграция: меҳнат шартномаси асосида ишлаш учун кўчиш.

4. Ижтимоий-ҳуқуқий тасниф. Ушбу тасниф маъмурий-ҳуқуқий тизим ва мигрантларни юбораётган ёки қабул қилаётган давлатларнинг миграцион сиёсати асосида шаклланган. Бу йўналишдаги категориялар, мамлакатларнинг миграцион сиёсати каби кўп ва хилма-хил. Аммо, умумий равишда қуйидагиларни алоҳида ажратиш мумкин:

А) Эркин миграция. Бундай миграция ҳеч қайси давлат томонидан назорат қилинмайди (бошқарилмайди, қўллаб-қувватланмайди, чегараланмайди ва ҳоказо). Кўчиш меҳнат бозорининг талабларидан ҳамда ишчилар ва иш берувчиларнинг эркин ташаббусларидан келиб чиқади.

Б) Бошқариладиган миграция. Мигрантларни юборувчи ёки қабул қилувчи давлат ҳукумати томонидан ташкил қилинадиган (қўллаб-қувватланадиган, чегараланадиган ёки назорат қилинадиган) миграция. Одатда бу категория кўп томонлама келишувлар (Меркосур, Европа иттифоқи каби) асосида амалга ошади.

В) Одатий ёки рухсат берилган (қонуний) миграция. Қабул қилувчи ва юборувчи томонларнинг келишувини асосида амалга ошадиган эркин ёки бошқариладиган миграция.

Г) Ноодатий ёки рухсат берилмаган (ноқонуний) миграция. Қабул қилувчи ва юборувчи томонларнинг келишувини бузган ҳолда амалга ошадиган миграция.

5. Сабаб-оқибат боғлиқлиги бўйича тасниф. Бундай тасниф кўчиб ўтаётган кишиларнинг кўчиб ўтиш сабаблари, оқибатлари ва бошқа рағбатлантирувчи омилларни инобатга олган ҳолда таснифланган. Қуйидаги категорияларни ажратиш мумкин:

А) Ихтиёрий миграция. Кўчиш мигрантнинг ихтиёрий танлови асосида амалга ошади. Кўчиш учун асосий сабаблар қуйидагилар:

1. Иқтисодий миграция (ишчи кучи) миграцияси. Бунда миграцияни рағбатлантирувчи асосий омил мигрантнинг ўз келиб чиқиш ҳудудидан бошқа ҳудудда ишлаш истаги ҳисобланади;

2. Соғлиқ билан боғлиқ миграция. Мигрантнинг ўз келиб чиқиш худудидан бошқа худудга тиббий даволаниш, терапия ёки жарроҳлик хизматларидан фойдаланиш учун кўчиши;

3. Таълим билан боғлиқ миграция. Мигрантнинг ўз келиб чиқиш худудидан бошқа худудга таълим олиш ва малака ошириш учун кўчиши;

4. Туризм. Кўчишни рағбатлантирувчи асосий омил - кўчаётган кишининг ўз келиб чиқиш худудини бошқа худудларни кўриш (томоша қилиш) мақсадида тарк этиши;

5. Зиёрат. Кўчишни рағбатлантирувчи асосий омил - кўчаётган кишининг ўз келиб чиқиш худудини диний мақсадни кўзлаб ёки эътиқод билан боғлиқ бошқа амалларни бажариш учун тарк этиши;

6. Бизнес ёки тадбиркорлик билан боғлиқ миграция. Мигрантнинг ўз келиб чиқиш худудидан бошқа худудга бизнес фаолияти билан шуғулланиши учун кўчиши.

Б) Мажбурий миграция. Кўчиш табиий офатлар, сиёсий ихтилофлар, дискриминация ёки депортация сабабли амалга ошади. Бу йўналиш бўйича қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

1. Қочоқ. Қабул қилувчи давлат ёки Қочоқлар бўйича Бирлашган миллатлар ташкилоти Олий Комиссари (United Nations High Commissioner for Refugees, UNHCR) томонидан сиёсий тузум ёки ҳарбий ҳаракатлар қурбони статуси берилган шахс.

2. Бошпана қидириб юрган шахс (Asylum seeker). UNHCR ёки қабул қилувчи давлат томонидан қочоқ мақоми берилмаган, лекин бошпана қидириб юрган мажбурий миграция қурбони.

3. Сургундаги шахс. Маълум бир сабабларга кўра, ўз ҳукумати томонидан мамлакатни тарк этишга ва бошқа давлатда бошпана топишга мажбурланган шахс.

4. Депортация қилинган шахс. Ноқонуний яшаганлиги учун ўз мамлакатига қайтарилган шахс.

5. Мазкур таснифни жадвал кўринишида қуйидагича талқин қилиш мақсадга мувофиқ.

1-жадвал. Миграция тушунчасининг тизимли таснифи. [18]

ГЕОГРАФИК	Ички миграция	1. Қишлоқ-Шаҳар миграцияси	Худуд асос сифатида олинса
		2. Шаҳарлараро миграция	
		3. Шаҳар-Қишлоқ миграцияси	
		4. Қишлоқлараро миграция	
		5. Кўчманчилик	
		6. Трансҳюманс	
		7. Муниципал бирликлараро миграция	
		8. Худудлараро миграция	
	Халқаро миграция	1. Трансокеан миграция	
		2. Трансконтинентал миграция	
		3. Чегара миграцияси	
		4. Худудий миграция	

	Эмиграция		Йўналиш асос сифатида олинса
	Иммиграция		
	Транзит миграция		
	Қайтиш ёки реэмиграция		
ХРОНОЛОГИК	Режалаштирилган муддат бўйича миграция	1. Вақтинча миграция	
		2. Доимий миграция	
		3. Аниқланмаган миграция	
	Амалдаги муддат бўйича миграция	1. Муддат бўйича чекланган миграция	Контракт (келишув) асосидаги миграция
			Даврий миграция
Тебранма (маятникли) миграция			
		2. Муддат бўйича чекланмаган миграция	
ДЕМОГРАФИК-ИҚТИСОДИЙ	Миграция субъекти бўйича	1. Якка миграция	
		2. Оилавий миграция	
		3. Ёппасига миграция (ялпи кўчиш, эксодус)	
		4. Эркаклар/Аёллар миграцияси	
		5. Болалар/Ўрта ёшдагилар/Катталар миграцияси	
		6. Биринчи авлод миграцияси	
		7. Иккинчи авлод миграцияси	
		8. Учинчи авлод миграцияси	
		9. Миграция оқими	
		10. Миграция кўлами	
		11. Мигрант аҳоли	
		12. Мигрантлардан ташкил топган меҳнат ресурслари	
	Иш билан бандлик бўйича	1. Қишлоқ хўжалиги, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишчилар миграцияси	
		2. Малакали (ёки юқори малакали) ишчилар миграцияси	
		3. Малакасиз (ёки паст малакали) ишчилар миграцияси	
		4. Брейн-дрейн (“ақл”нинг кўчиши)	
		5. Технологик миграция	
		6. Мустақил ёки шахсий иш билан боғлиқ миграция	
		7. Номустақил ёки тобе миграция	

ИЖТИМОЙ-ХУҚУҚИЙ	Эркин миграция	
	Бошқариладиган миграция	
	Одатий ёки рухсат берилган (қонуний) миграция	
	Ноодатий ёки рухсат берилмаган (ноқонуний) миграция	
САБАБ-ОҚИБАТ БЎЙИЧА	Ихтиёрий миграция	1. Иқтисодий миграция (ишчи кучи) миграцияси
		2. Соғлиқ билан боғлиқ миграция
		3. Таълим билан боғлиқ миграция
		4. Туризм
		5. Зиёрат
		6. Бизнес ёки тадбиркорлик билан боғлиқ миграция
	Мажбурий миграция	1. Қочоқ
		2. Бошпана қидириб юрган шахс (Asylum seeker)
		3. Сургундаги шахс
		4. Депортация қилинган шахс

Баъзида юқоридаги тасниф доирасидан ташқарига чиқиб кетиш ҳоллари ҳам учрайди. Мисол учун, қабул қилувчи мамлакатлардаги шарт-шароитларнинг ноқулай бўлиши туфайли мигрантлар ўз юртларига эртароқ қайтишга мажбур бўлиши натижасида даврий миграция, яъни "ишчиларнинг маълум бир аҳоли пунктлари орасида вақти-вақти билан бориб келиши" [19] юзага келади. Ҳозирда Европанинг нисбатан кичикроқ бўлган давлатларида ёки бошқа ривожланган (кичикроқ) давлатларда кундалик даврий миграция оқими борган сари кўпаймоқда. Бельгия - Люксембург, Малайзия - Сингапур қабилаи бунга мисол қилиб олишимиз мумкин. Шундай қилиб, замонавий миграция, хусусан, ишчи кучи миграцияси ҳар хил кўринишларда намоён бўлади ва таснифланади. Мазкур ҳолатларнинг аксарияти юқорида келтирилди.

REFERENCES

1. International Encyclopedia of the Social Sciences. Macmillan, 1968.
2. Ravenstein E.G. The Laws of Migration. Journal of Statistical Society of London. Vol.48, No.2. 1885. pp. 167-235.
3. <http://ru-ii.demopaedia.org/wiki/10> (охирги кириш: 10/01/2020) - БМТнинг кўп тили демографик лугати
4. Бреев Б.Д. Подвижность населения и трудовых ресурсов. - М.: Статистика, 1977. - 176 с.
5. Переведенцев В. И. Методы изучения миграции населения. - М.: Наука, 1975. - 231 с.
6. <http://rybakovsky.ru/migracia2b.html> (охирги кириш: 20/09/19) - Л.Л. Рыбаковский шахсий блоги
7. <http://rybakovsky.ru/migracia2b.html> (охирги кириш: 20/09/19) - Л.Л.

Рыбаковский шахсий блоги

8. Ионцев В.А. Международная миграция населения: теория и история изучения. // Международная миграция населения: Россия и современный мир. Выпуск №3 - М., 1999. Стр. 39.

9. Воробьёва О. Д. Миграционные процессы населения: вопросы теории и государственной миграционной политики // Проблемы правового регулирования миграционных процессов на территории Российской Федерации / Аналитический сборник Совета Федерации ФС России - 2003. - № 9 (202). - с. 35.

10. Eisenstadt, S. (1953). Analysis of Patterns of Immigration and Absorption of Immigrants. Population Studies, 7(2), 167-180. doi:10.2307/2172030

11. Johnson J.H. and Salt J. (1980) Labour migration within organizations: an introductory study. Journal of economic and social geography. 71(5):277-284.

12. Трудовая миграция в Республике Узбекистан: Сб. ст. / Отв. ред. Е.В. Абдуллаев.: Ташкент, 2008. - 204 с.

13. Расулова Д.В. Ишчи кучи миграцияси ривожланишининг назарий асослари. - Т., 2010. 27-б.

14. Қодирова З.А. Глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат бозорига интеграциялашуви. - Т.: IQTISODIYOT, 2016. - 152 бет.

15. <https://www.iom.int/key-migration-terms#Migration> (охирги кириш: 14/05/2019) - Халқаро миграция ташкилоти (ИОМ) расмий портали.

16. <https://www.iom.int/key-migration-terms#Migration> (охирги кириш: 14/05/2019) - Халқаро миграция ташкилоти (ИОМ) расмий портали.

17. <https://www.iom.int/migration> (охирги кириш: 23/09/2019) - Халқаро миграция ташкилоти (ИОМ) расмий портали маълумотлари асосида шакллантирилди.

18. <https://www.iom.int/> - Халқаро миграция ташкилоти (ИОМ) расмий портали маълумотлари.


19. Мукомель В. Экономика нелегальной миграции в России. Демоскоп Weekly. 2005. №207-208.

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

СОЛИҚ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ

Н.Э. Жиянова
ТМИ, "Давлатий молия"
кафедраси доценти, и.ф.н.,
У.А.Ортиков
ТМИ магистр

**ОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ ЖАХОН ТАЖРИБАСИ ВА УНИ
ЎЗБЕКИСТОН АМАЛИЁТИДА ҚЎЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-1-3>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мамлакатимиз солиқ тизимини такомиллаштириш йўналишлари таклиф этилган. Шунингдек, келтирилган таклифлар Ўзбекистон Республикасини ислоҳ қилишнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган "Ҳаракатлар стратегияси" мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тавсия этилган.

Калит сўзлар: солиқ, солиқ тизими, солиқ концепцияси, юридик ва жисмоний шахс, даромад солиғи, фойда солиғи, боғлар.

N.E. Jiyanova
TIF, department of public finances
Associate professor,
Candidate of Technical Sciences, associate professor.
U.A. Artikov
student of TIF

**INTERNATIONAL EXPERIENCE OF TAX SYSTEM AND
POSSIBILITY OF ITS APPLICATION IN UZBEKISTAN**

ABSTRACT

This article presents directions for improving the tax system of the country. Suggestions are also recommended taking into account the goals and objectives of the "Strategy of Action" of the Republic of Uzbekistan for the period 2017-2021.

Keywords: tax, tax system, tax concept, legal and natural person, income tax, income tax, duties.

Н.Е. Джиянова

ТФИ, доцент кафедры "Государственных финансов",
кандидат экономических наук,

У.А.Артиков
студент ТФИ.

МИРОВОЙ ОПЫТ НАЛОГОВОЙ СИСТЕМЫ И ВОЗМОЖНОСТИ ЕЕ ПРИМЕНЕНИЯ ВУЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлены направления совершенствования налоговой системы страны. Предложения также рекомендуются с учетом целей и задач "Стратегии действий" Республики Узбекистан на период 2017-2021 гг.

Ключевые слова: налог, налоговая система, налоговая концепция, юридическое и физическое лицо, подоходный налог, налог на прибыль, пошлины.

Кириш. Иқтисодийни модернизациялашнинг кенгқамровли комплекс тадбирларини амалга оширишда давлат бюджет-солиқсийёсатини шакллантириш ва ижро этиш масалалари марказий ўрин эгаллайди. Биринчи президент И.А.Каримов томонидан иқтисодий эркинлаштириш ва мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишлари белгилаб олинган бўлса, президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан иқтисодий ислохотлар аниқлаштириб, мамлакатимиз томонидан изчил давом этирилмоқда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевтаъкидлаганидек, "Биз келгуси йил учун амалий режалар тузар эканмиз, халқаро майдондаги ана шундай мураккаб вазиятни ҳисобга олган ҳолда, тараққиётимизнинг устувор йўналишларини аниқ-равшан белгилаб олишимиз зарур".

Ўзбекистон солиқ тизимини ислох қилишнинг мақсадли йўналишлари 2017-2021 йилларга мўлжалланган "Ҳаракатлар стратегияси"да ҳам ўз аксини топган. Жумладан, "Фаол инвестициялар ва иштимой ривожланиш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида "...фаол инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий, ташкилий шароитлар яратиш, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий қилиш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини ва улар фаолиятига ноқонуний аралашиларнинг олдини олиш механизмларини, солиқ ва божхона сиёсатини, банк-молия соҳасини янада такомиллаштириш, аграр секторни ислох қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш, иқтисодий тармоқлари ва соҳаларига имтиёзлар тақдим қилган ҳолда индивидуал имтиёзлар беришдан воз кечиш, ҳудудларни фаол ривожлантириш" [7] ҳам мамлакат иқтисодийнинг асосий йўналиши сифатида илгари сурилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори[6]га мувофиқ "Солиқ хизмати - инсофли солиқ тўловчиларнинг ишончли ҳамкори"

вазифаси асосида мақсадли дастурлар белгилаб олинди.

Аммо мамлакат солиқ тизимини ислоҳ қилишда Германия, Япония, Россия сингари ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланилса, ислохотлар жараёнида йўл қўйиладиган хатолар нисбатан кам бўлар ва ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда миллий солиқ қонунчилигининг янги асослари яратилса, глобаллашув жараёнида бюджет-солиқ тизимининг чидамлилиги ошган бўлар эди.

Тадқиқот методологияси. Ўзбекистонда солиқ тизимини ислоҳ қилиш мақсадида Япония ва Германиянинг солиқ тизими ўрганилди.

Илмий тадқиқот жараёнида индукция, дедукция, анализ, синтез ва қиёсий таҳлил усулларида самарали фойдаланилган.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили. Ўтмиш ва ҳозирги барча иқтисодий назарияларда муаллифлар солиққа тортиш муаммоларини кўриб чиқадилар, иқтисодий тизимда солиқларнинг ўрнини, уларнинг мақсади ва солиқ йиғиш тизимини қуриш имкониятлари билан танишишга ҳаракат қилишади. Уларнинг барчаси солиқларнинг келиб чиқиши, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шартлари ҳақида қизиқиш уйғотмоқда. Солиқлар тарихини ўрганиш ва билиш уларнинг иқтисодий моҳиятини билишнинг энг муҳим ва зарур қисмидир.

Солиқлар тарихини ўрганиш бизга уларни тўлашнинг моҳиятини ва зарурлигини, тартибга солишнинг жамиятнинг ҳаётига таъсирини, тартибга солинган солиқ тизими фуқаролар ҳаётини осонлаштиришини тушунишга имкон беради. Тарихнинг призмасидан келиб чиққан ҳолда, бизнинг мамлакатимизда жорий солиқ тизимининг концепциялари ва уни такомиллаштиришнинг илғор йўналишлари аниқ кўринади.

Иқтисодий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, олимлар "солиқ" тоифасининг таърифига турли йўللار билан мурожаат қилишади.

Иқтисодиёт фани асосчилари У.Петт, А.Смит, Д.Рикардонинг асарлари солиқларни халқнинг ривожланиши учун ихтиёрий эҳсон деб ҳисоблайди [3].

XX асрнинг бошларида таниқли иқтисодчилар И.М.Кулишер, М.И.Слуцкий, Н.И.Тургенев, Л.В.Кчодскийлар солиқлар мажбурий тўлов сифатида белгилаб қўйган, бу эса давлат томонидан фуқароларнинг пулга бўлган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган [3], деб таъкидлашади.

Д.С.Миллнинг ёзувларида "ҳар хил солиқлар бу тенгсизликларни бир-биридан камайтиради ва ишни тўғрилайди" [3].

Э.Ф.Киреева "миллий солиқ сиёсати иқтисодий ривожланишнинг объектив омилларини ва макроиқтисодий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда солиқ солишнинг муайян бир давлат тушунчасига асосланган бўлиши керак ва солиқ қонунчилигида тизимли, бир-бирига боғлиқ бўлган ўзгаришлар ва ҳукумат томонидан қабул қилинган иқтисодий сиёсат чоралари кўлами билан тавсифланади" [1].

В.Пилуй фикрича, "солиқ қонунчилигини ислоҳ қилиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун шароитлардан бири ҳисобланади, чунки қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларининг даромадлари бўйича ўртача солиқ юки ягона солиқни 14 фоизга оширади, бу эса ривожланган мамлакатлар учун ҳам юқори, мамлакатдаги инвестиция муҳитига салбий таъсир кўрсатмоқда" [2].

Таҳлил ва натижалар. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни эркинлаштириш, хусусан, солиққа тортиш тизимини

соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ҳамда рағбатлантиришга доир чора-тадбирларни кенгайтириш ишларини давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилган. Кенг жамоатчилик муҳокамасига ҳавола қилиниб қабул қилинган Солиқ концепцияси ҳам ушбу вазифалар ижроси йўлидаги сайъ-ҳаракатлар самарасидир. Мазкур концепциясини ишлаб чиқишдан асосий мақсад Республика Президенти томонидан тадбиркорларни, кенг аҳоли қатламини қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш, уларга солиқ маъмуриятчилигида имкониятлар яратишдир. Бунда асосий эътибор иш берувчи томонидан тўланадиган турли солиқ юкини енгиллаштиришга қаратилган.

Улардан бири қўшимча қиймат солиғи. Кўшилган қиймат солиғи молиявий категория сифатида жуда самарали ҳисобланади. Бу қиймат туғдириш занжири узлуксизлигини таъминлайди, пировардида, умумий солиқ миқдорини қисқартиради.

Бугунги кунда кўплаб мамлакатларда кўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиз миқдорида белгиланган. Мамлакатимизда ҳам янги қабул қилинган концепцияга асосан мазкур ставкани сақлаб қолиш баробарида кўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди ва юқоридаги(жадвал1) миқдорларда белгиланди:

Таъкидлаш жоизки, ислохотлар натижасида тадбиркорлик субъектларига иқтисодий имкониятлар яратилди хусусан, иш берувчилар кўрқмасдан, солиқларни тўлашдан қочмасдан, ходимлар сонини очиқ кўрсатган ҳолда, фаолият юритиши учун шароит яратилди, яъни иш ҳақи фондидан тўланадиган ягона ижтимоий тўлов миқдори бюджет ташкилотларидан ташқари барча хўжалик юритувчи субъектлар учун 12 % қилиб, ишчи -ходимлардан ундириладиган даромад солиғининг ставкаси ҳам иш ҳақи миқдоридан қатъий назар 12 % этиб белгиланди ва улар тўлайдиган. 8,% лик суғурта бадаллари бекор қилинди.

Масалан, қайсидир иш берувчи шу кунгача ходимига 1 миллион сўм миқдорида маош берадиган бўлса, барча солиқни кўшиб ҳисоблаганда, 55 фоизгача солиқ тўлашига тўғри келарди. Табиийки, бу тадбиркорга оғирлик қилади, эндиликда иш ҳақиға нисбатан солиқ юки 24 фоизгача туширилди.

Ислохотлар натижасида Ўзбекистонда солиқ турлари қисқартирилди, Давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар бекор қилинди, айна пайтда солиқларнинг 11 тури мавжуд. Солиқлар юки камайтирилди, улар соддалаштирилди, натижада тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишлари учун қулай молиявий имконият яратилди.

Хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳам ўрганадиган бўлсак, масалан Германияда ишлайдиган ходимга тўланадиган иш ҳақи ва унинг миқдори компания ва ходим ўртасидаги меҳнат шартномасида қайд этилган бўлиб, брутто иш ҳақи (Брутто-Арбеицлон) ҳисобланади, яъни солиқлар ва ижтимоий тўловлар тўланмаган миқдор. Ходимнинг банк ҳисобидаги маоши аниқ маош (Нетто-Арбеицлон) деб аталади. Германияда иш ҳақи тўлашдан қуйидаги солиқлар ва тўловлар тўланади:

Даромад солиғи бўйича солиқ, солиқ ставкалари саҳифада қуйида кўрсатилган.

Германияда, Россия ва бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, шахсий даромад бўйича прогрессив солиқ миқдори мавжуд, яъни одам қанча кўп пул топса, шунча кўп солиқ тўлайди. Германияда дастлабки солиқ ставкаси 14%, энг юқори - 45%. Шундай қилиб, агар киши йил давомида солиққа тортилмайдиган минимал

даражани (масалан, 2018 йил учун 9000 евро -дастлабки солиққа тортилмайдиган база) тўламаса, у 14 фоиз солиқни тўлашга киришади ва қанчалик кўп пул топса, солиқ ставкаси шунчалик кўпайиб боради. Шу билан бирга, ўсиш суръати йил давомида қабул қилинган суммага нисбатан эмас, балки пастроқ ставканинг миқдори ва юқори ставка миқдори ўртасидаги фарқга нисбатан қўлланилади. Юқорида келтирилган мисолда, агар киши йилига 12000 евро пул ишласа, у 3000 евродан ($12,000 - 9,000 = 3,000$) 14% тўлайди.

1-жадвал. Германияда 2019 йил учун солиққа тортилмайдиган минимумлар[4]

Ҳаётини вазият	Йиллик миқдор	Солиқ даражаси
Бир кишига асосий миқдор	9 500,00	I, II, IV
Эр-хотин жуфтлик	18 000,00	III
Бепул минимализсиз	0,00	V, VI
Камида битта бола йўк	7 432,00	-

Германияда солиққа тортишнинг умумий қоидалари "Солиқ йиғиш тўғрисида"ги қонун - томонидан тартибга солинади.

Германия солиқлари бюджет даромадларининг қарийб 80 фоизини таъминлайди. Айнан шунинг учун улар иқтисодиётни ривожлантиришга давлат таъсирининг асосий воситаси сифатида қаралади.

Тизим бошлангандан буён Германия солиққа тортишнинг асосий тамойиллари қуйидагилардир: "солиқ давлат томонидан тақдим этиладиган хизматларнинг миқдorigа мос келиши керак".

Япониянинг солиқ тизими, АҚШ ва Европада бўлгани каби, солиқларнинг кўплиги билан ажралиб туради. Улар ҳар бир ҳудудий бошқарув идорасини зиммасига олиш ҳуқуқига эга. Аммо мамлакатнинг барча солиқлари қонун ҳужжатлари билан белгиланган. Ҳар қандай давлат солиғи қонун билан тартибга солинади. Маҳаллий солиқлар тўғрисидаги қонун уларнинг турларини ва маржинал ставкаларини белгилайди, уларни ўзгартириш маҳаллий парламент томонидан амалга оширилади. Мамлакатда 25 та давлат солиғи ва 30 та маҳаллий солиқ мавжуд. Улар учта катта гуруҳга бўлинади:

Биринчиси, юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.

Иккинчиси - мол-мулкка солиқлар.

Учинчиси - бевосита ва билвосита истеъмол солиғи.

Японияда уч хил маҳаллий солиқлар олинади:

Тадбиркор;

корпоратив шаҳар;

мувозанат солиғи.

Японияда даромад солиғини доимий ва вақтинчалик яшовчи шахслар, шунингдек, норезидентлар ҳам тўлайди.

Японияда фуқароларнинг харажатлари таркибида солиқ тўлови камида 20 фоиздан ошадиган даражада ташкил этилади. Ривожланган мамлакатлар учун бу

жуда паст даража ва маблағ етишмаслиги билан ҳукумат ўз фуқаролари учун солиқларни йиғиш ўрнига қарзни афзал қўради. Шунинг учун Япония давлат қарзи унинг йиллик ЯИМнинг ахминан 200% ни ташкил этади[5].

Хулоса ва таклифлар

Юқоридаги тадқиқот ва таҳлиллар натижасида қуйидаги хулосага келамиз:

- Ривожланган мамлакатларда солиқларнинг турлари мамлакатимиздагига нисбатан кўп бўлишига қарамасдан, қатъий тизимга солинганлиги ва йиллар давомида ўзгаришсиз қолганлиги солиқ сиёсатининг асосий устунлик жиҳати бўлиб ҳисобланади;

- Ривожланган мамлакатларнинг яна бир асосий ютуғи - солиқларнинг асосий қисми юридик шахслардан ҳамда даромади юқори жисмоний шахслардан олинишидир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз солиқ тизимини такомиллаштиришнинг қуйидаги йўналишларини таклиф этамиз:

- Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, солиқ давлат томонидан тақдим этиладиган хизматларнинг миқдорига мос келиши керак, яъни солиқлар ҳажмига қараб, давлат томонидан ажратиладиган ижтимоий ажратмалар ҳам ўзгариши керак.

- Мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланиши шароитида солиқ юки камайса, албатта солиқ тўловчилар сони ва солиқ тушуми ошади, бу аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига кўрсатиладиган давлат ижтимоий ёрдамлари ҳам ошишини англатади.

Хулоса сифатида шуни айтишимиз керакки, 2019 йилдан мамлакатимизда тадбиқ этилаётган янги солиқ тизими аҳолининг ва давлатнинг манфаатларига бирдай хизмат қилиши керак, акс ҳолда иқтисодиётдаги баланс бузилади.

References


1. Kireeva E.F. Tax reform: the need, the main directions and measures for their implementation // Belarusian Economic Journal. - 2008 - №2. - p.53.
2. Evstigneev E.N. Taxes and taxation: Textbook. - M., 2001. - p.256.
3. Taxes in the Republic of Belarus: theory and practice in numbers and comments. / Under total ed.VA Gurdzhan - Minsk: "Svetoch", 2002. - pp. 25-28
4. Salary tax in Germany: the amount of taxes and social charges in 2018, 2017 with the salary. <https://ru-geld.de/salary/taxes.html>
5. The tax system of Japan in 2018 Source: <http://emigranto.ru/strany-azii/iaponiia/nalogovaia-sistema-iaponii.html>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори. <http://lex.uz/ru/docs/3796072?twolang=true>
7. <http://uza.uz/oz/documents/2017-2021-yillarda-zbekiston-respublikasini-rivozlantirishn-23-01-2018>
8. <http://lex.uz/ru/docs/3796072?twolang=true>

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИ

Холов Актам Хатамович,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси доценти в.б.,
PhD (иқтисодиёт фанлари)

**ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК -
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ ЖАДАЛ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ**

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-1-4>

АННОТАЦИЯ

Мақолада давлат ва хусусий сектор ўртасида ҳамкорликни амалга ошириш йўллари ва шакллари таҳлил қилинган. Жанубий Кореяда давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш жараёни ўрганилиб, Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик соҳасини ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: давлат-хусусий шериклик, инвестиция, инновация, хусусий сектор, давлат хизматлари, ижтимоий инфратузилма, давлат шериги, хусусий шерик.

Xolov Aktam Xatamovich

PhD (economics sciences), assistant professor the Academy
of the Public Administration under the President
of the Republic of Uzbekistan

**PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP - IMPORTANT FACTOR FOR
THE DEVELOPMENT OF OUR ECONOMY**

ABSTRACT

The article analyzes ways and forms of cooperation between the public and private sectors. The process of implementation of the PPP (public-private partnership) project in South Korea has been studied and proposals and recommendations on the development of public-private partnership in Uzbekistan have been worked out.

Keywords: Public-private partnerships, Investment, Innovation, Private sector, Public services, Social infrastructure, Public partner, Private partner.

Холов Ақтам Хатамович,
PhD (экономических наук), доцент
Академии государственного управления
при Президенте Республики Узбекистан

ГОСУДАРСТВЕННОЕ ЧАСТНОЕ ПАРТНЕРСТВО - ВАЖНОЕ УСЛОВИЕ УСКОРЕННОГО РАЗВИТИЯ НАШЕЙ ЭКОНОМИКИ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются пути и формы сотрудничества государственных и частных секторов. Изучен процесс реализации проекта государственно-частного партнерства в Южной Корее, разработаны предложения и рекомендации по развитию государственно-частного партнерства в Узбекистане.

Ключевые слова: государственно-частное партнерство, инвестиции, инновации, частный сектор, государственные услуги, социальная инфраструктура, государственный партнер, частный партнер.

Криш. Давлат ва бизнеснинг ўзаро муносабати замонавий бозор иқтисодиёти ривожланишида муҳим асос саналади, давлат хусусий шерикчилик салоҳиятини муваффақиятли амалга ошириш бозор иқтисодиётининг мураккаб шароитда давлатнинг бизнес билан ўзаро муносабатларга тайёрлигига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан ҳам инновацион тадбиркорлик, мамлакатимизни модернизациялаш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш хусусиятларини тадқиқ этиш ва давлат-хусусий шериклик асосида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари аниқлаш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Давлат-хусусий шериклигининг замонавий механизмларини жорий этиш "2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси"да давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш йўналишларидан бири деб белгиланган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришнинг муҳим шarti бўлган "Давлат-хусусий шериклиги тўғрисида"ги қонунни қабул қилганимизга 7 ой бўлди. Кўпдан буён кутилган, ҳаётнинг ўзи талаб этаётган бу қонун лойиҳаси устида биз узоқ вақт ишладик. Ушбу ҳужжат фуқароларнинг давлат ва жамият вазифаларини бажаришга доир конституциявий ҳуқуқини амалга оширишнинг таъсирчан механизмидир.

Ҳозирги вақтда айрим тармоқларда давлат-хусусий шериклик бўйича лойиҳаларни амалга ошириш бошланди. Аммо соғлиқни сақлаш, таълим, транспорт, йўл қурилиши, коммунал хўжалиги каби йўналишларда, аксарият ҳудудларда ҳали бу борада ташаббус умуман сезилмаяпти" [1] деб таъкидлашлари дунё амалиётида энг самарли усуллардан бири бўлган давлат-хусусий шериклик муносабатларини тизимли таҳлил қилишни тақозо этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Давлат-хусусий шериклик атамаси XX асрнинг 90-йилларида вужудга келиб бошлади. Давлат-хусусий шериклик тушунчасининг моҳияти давлат ва хусусий сектор давлат инфратузилмасини яхшилаш ва сифатли хизматларни, давлат хизматларини амалга оширишда ўзаро биргаликдаги ҳамкорлигидир.

Илмий адабиётларда давлат-хусусий шериклик тушунчасига бир неча таърифлар

берилган бўлиб, уларда мазкур жараённинг мақсади кутилаётган натижалар ҳақида фикрлар юритилади. Масалан, В.Г.Варнавскийнинг таъкидлашича давлат-хусусий шериклик - бу давлат ва бизнес ўртасидаги институционал ва ташкилий альянс бўлиб, халқаро, миллий ва маҳаллий масштабда иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий аҳамият касб этувчи лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ этиш учун амалга ошириладиган фаолият тури ҳисобланади [2].


С.Д. Данасарованинг фикрига кўра давлат-хусусий шериклик - бу давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ижтимоий-аҳамиятли лойиҳаларни кам ҳаражат билан самарали амалга ошириш мақсадида тузилган шартнома [3].

Иқтисодчи олимлар С.Э.Элмирзаев ва Н.Ш.Шавкатовлар давлат-хусусий шериклик муносабатларининг илғор хориж тажрибалари ва мамлакатимизда қўллаш истиқболларини таҳлил қилиб, давлат-хусусий шериклигини фақатгина ижтимоий-маданий соҳа ҳамда инфраструктурани ривожлантириш даражасини белгиловчи омил сифатида эмас, балки, мамлакат иқтисодиётини ривожланишини янги босқичга олиб чиқадиган алоҳида дастаклардан бири сифатида қаралишини таъкидлашади [4].


Тадқиқотчи Н.Шаропова Бугунги кунда меъерий-ҳуқуқий база етарлича яратилганлиги учун давлат-хусусий шерикликнинг шартномавий муносабатларга асосланадиган механизмларини кенг қўллашдан бошлаш ҳамда самарали фаолият кўрсатмаётган мактабгача таълим муассасаларида уларнинг фаолиятини охириги натижага боғлашни кўзда тутадиган концессион шартномаларни жорий этиш хусусида фикр юритади [5].

Таҳлил ва натижалар. Давлат-хусусий шериклик (Public-private partnership) давлат ҳокимияти органлари ҳамда хусусий бизнес вакилларининг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида ташкил этган кооперацияси. Ижтимоий мадад кўрсатишда фақат давлатнинг ўзи ёлғиз фаолият олиб бормайди. Жаҳон миқёсида давлат-хусусий шериклик борасида олиб борилаётган сиёсатнинг тарафдорлари ва унга қарши бўлган томонлар ҳам учраб туради. Мазкур сиёсатни қўллаб-қувватловчилар асосий аргумент сифатида хусусийлаштиришнинг янги тўлқини сифатида қарашади ҳамда давлатнинг бевосита назорати остида кечадиган ҳамда давлат ютқазмайдиган вариант сифатида баҳолашади. Мазкур сиёсатга қарши бўлганлар ўзларининг фикрларини ҳимоялашда дастлаб мазкур соҳада ҳуқуқий норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиш лозимлигини таъкидлашади. Давлат-хусусий шериклик ҳамкорлигини амалга ошириш жараёнида томонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ўрнатилган қоидаларга риоя қилиш, давлат ва хусусий сектор ўртасида ҳамкорликни амалга ошириш йўллари алоҳида эътибор қаратиш лозим (1-расм)

1-расм. Давлат ва хусусий сектор ўртасида ҳамкорликни амалга ошириш йўллари



Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майда қабул қилинган "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасида давлат-хусусий шериклик - давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги сифатида таърифланади. Қонунда давлат-хусусий шерикликнинг асосий принциплари (2-расм), давлат-хусусий шерикликнинг давлат томонидан тартибга солиниши, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим, унинг тарафлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини ташаббус қилиш ва тайёрлаш, хусусий шерикни танлаш, хусусий шерик ва кредиторнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат-хусусий шерикликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш механизмларига оид қоидалар белгиланган [6].



2-расм. Давлат-хусусий шерикликнинг асосий принциплари.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонунга кўрсатиб ўтилганидек, ҳукумат ўз лойиҳаларини жамоатчиликга эълон қилади ва лойиҳани амалга оширишга талабгор инвестор ўртасида тендер ўтказиши ёки музокара шаклида давлат ўзига шерик танлаши мумкин. Танловдан олдин икки босқичли жараён амалга оширилади. Биринчиси лойиҳа концепциясини тайёрлаш ва техник иқтисодий таҳлил ўтказилади. Иккинчи босқич эса лойиҳана амалга ошириш истагини билдирган талабгорлар ўртасида икки босқичли тендер ўтказилади.

Тендердан қўзланган асосий мақсад, давлат лойиҳани амалга оширишда энг кам ҳаражатли режани тақдим этган хусусий корхона билан шериклик қилади ҳамда музокаралар ўтказилиб, шартномалар имзоланади. Бунда албатда хусусий шерикга қўйиладиган талаблар мавжуд: хусусий сектор ҳуқуқий лаёқатга эга бўлиши, ишга лаёқатли бўлиши, зарур молиявий ресурсларга эга бўлиши, моддий техник базага эгаллиги ва меҳнат ресурслари мавжудлиги.

Қонунга кўра, давлат-хусусий шериклик шартнома асосида мустаҳкамланади ва ушбу шартноманинг муддати энг ками билан 3 йил, кўпи билан 49 йилни ташкил этади. Муддатнинг 49 йилгача бўлганлиги сабаби, ер билан боғлиқ, унга эгалик қилиш билан боғлиқ қонунчилик меъёрларидан келиб чиқилган. Хусусий шерик ушбу объект ва ердан шартнома шартларига асосан 49 йил мобайнида фойдаланиб даромад олиши, кейин эса давлатга топшириши белгиланган. Хусусий шерикнинг асосли сабаблари билан ушбу муддан қонунчиликка мувофиқ узайтирилиши мумкин.

Ҳозирги вақтда дунёнинг ривожланган давлатларида тадбиркорликни ривожлантиришда давлат-хусусий шериклик моделидан кенг фойдаланилади.

Давлат-хусусий шериклик мамлакатнинг инфратузулмасини ривожлантиришга, лойиҳаларни сифатли бажариш ва қурилишларни амалга оширишда муҳим ўзга хос ёндашув ҳисобланади. Хусусий тадбиркор давлат буюртмаларини бажариб қолмасдан иқтисодий ўсишга эришади. Бу ўзига хос икки томонлама манфаатли ҳамкорлик шартномаси деб ҳисобласак мақсадга мувофиқ бўлади.

Жаҳон банкининг 2018 йил яқунлари бўйича тайёрланган ҳисоботларига кўра, дунёнинг 135 та мамлакатида иқтисодиёт ва бошқа соҳаларга инвестиция киритиш ва лойиҳаларни амалга оширишда давлат-хусусий шериклик механизмларидан фойдаланиб келинмоқда. Ушбу мамлакатларда барча соҳалар бўйича малга оширилган инвестицион лойиҳаларнинг 15-20 фоизи айнан давлат-хусусий шериклик ҳиссасига тўғри келади.

Давлат-хусусий шериклик механизмларини Ўзбекистон Республикасида амалга оширишда ривожланган ва кўп йиллик тажрибага эга давлатларнинг тажрибаларини ўрганиб ўзимизга тадбиқ этиш, ушбу соҳада ривожланишга ҳамда истиқболда лойиҳаларни амалга оширишда катта ҳисса қўшади. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2018 йил 20 октябрдаги "Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги 3980-сон қарори асосида анъанавий равишда давлат тасарруфида ва бошқарувида бўлган иқтисодиёт тармоқларида, шунингдек, ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш механизми сифатида давлат-хусусий шериклик тизимини жорий этилганлиги бу соҳадаги муҳим қадам бўлди.

Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан шуни кузатишимиз мумкинки, давлат-хусусий шериклик (ДХШ) муносабатлари мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, йирик инфраструктура лойиҳаларини самарали амалга ошириш мамлакатда ижтимоий инфратузилмани яхшиланишида катта рол ўйнамоқда. Бу борада ривожланаётган давлатлар тажрибасини ўрганиш ва улардаги амалиётларни мамлакатимизга жорий этиш муҳим вазифалардан саналади. Хусусан, G20 мамлакатлари ҳамда бошқа ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг давлат-хусусий шериклик муносабатлари борасида тажрибаларини ўрганиб, бевосита, бу борадаги муваффақиятли амалиётларни мамлакатимизга жорий этиш, айниқса, аҳамиятлидир.

Жанубий Кореяда давлат-хусусий шерикчиликнинг инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида қуйидаги тўртта асосий схемадан фойдаланилади:

1) Қурилган объект давлат ихтиёрида бўлади ва концессионер объектни муайян вақт давомида бошқаради;

2) Қурилган объект давлат ихтиёрида бўлади ва хусусий шерик ушбу объектни муайян вақт давомида ижара шартномаси асосида бошқаради, шунинг учун давлат объектдан фойдаланиш натижасида даромад олади;

3) Қурилган объект концессионер ихтиёрига маълум муддатга берилади, муддат туганидан сўнг мулкка эгалик давлатга қайтарилади;

4) Қурилган объект хусусий шерик ихтиёрига муддатсиз берилади.


Масалан Жанубий Кореяда давлат-хусусий шерикчиликнинг ривожланишига таъсир қилган омиллар қуйидагилар:

1) Инфратузилмани ривожлантиришга бўлган талабнинг ошиши;

2) Иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмаларни талаб даражасида ривожлантириш учун давлат бюджетининг етишмаслиги;


3) давлат-хусусий шериклик моделининг Ҳукумат томонидан иқтисодий

Внедрение данных программ в учебный, научно-исследовательский процесс, кадровую работу позволит повысить эффективность деятельности вуза, персональную ответственность работников, а также их практические навыки работы с информационно-коммуникационными системами. Это также позволит сократить объемы бумажной работы, увеличить потенциал вуза, за счёт предоставления возможности обучающимся, исследователям, профессорско-педагогическому составу удаленного доступа к системе и самостоятельно решать ряд вопросов и удовлетворять свои потребности.

Заключение. В этой статье автор постарался раскрыть основные подходы в разработке интеллектуальной информационной системы управления образовательным процессом, что в дальнейшем будет способствовать повышению конкурентоспособности высшего образовательного учреждения. Анализ различных систем и литературы показал, что существует множество форм и различных концепций к разработке интеллектуальной системы управления образованием. В то время как в большинстве случаев управление образовательным процессом подразумевает управление учебной деятельностью высшего учебного заведения, разрабатываемая система ставила перед нами задачу разработки интегрированной системы, включающую в себя другие виды деятельности в высшем заведении, исходящие от специфики государственного управления образованием нашей республики. Несмотря на наличие определенных проблем, которые сдерживали внедрение и разработку информационной системы управления образованием в Ташкентском государственном юридическом университете создана своя система управления образованием, учитывающая специфические особенности подготовки юридических кадров.

Литература:

1. Tore Hoel and Jon Mason, Smart Learning Environments. Standards for smart education - towards a development framework. 2018. <https://doi.org/10.1186/s40561-018-0052-3>
2. Когаловский М.Р. Перспективные технологии информационных систем. - М.: ДМК Пресс; М: КомпанияАйТи, 2003. - 288 с. ISBN 5-94074-200-9
3. Стандарт ISO/IEC 2382-1
4. www.dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/101791
5. Закон РУз "Об информатизации", 11 декабря, 2003г.
6. Standards for smart education - towards a development framework. Hoel and Mason Smart Learning Environments (2018) 5:3 <https://doi.org/10.1186/s40561-018-0052-3>
7. Маннопова Э. Т. Разработка и автоматизация комплексной системы мотивации в учебном процессе //современное образование: актуальные вопросы, достижения и инновации. - 2018. - С. 55-58.
8. Wael Soliman and Tapani Rinta-Kahila, Information & Management, <https://doi.org/10.1016/j.im.2019.05.002>
9. Intellectual Capital Management as Part of Knowledge Management Initiatives at Institutions of Higher Learning. Kok A. Electronic Journal of Knowledge Management. 2007. DOI 10.1016/j.expneurol.2007.11.025
10. Intellectual capital in universities: Improving transparency and internal management. S?nchez M Elena S. Journal of Intellectual Capital. 2006. DOI 10.1108/14691930610709158
11. Classroom management. Horne S. British Journal of Teacher Education. 1980. DOI 10.1080/0260747800060306
12. Uncovering the Intellectual Core of the Information Systems Discipline. Sidorova Evangelopoulos Valacich Ramakrishnan. MIS Quarterly. 2017. DOI 10.2307/25148852
13. Management Control Systems: Performance Measurement, Evaluation and Incentives. Merchant K Van der Stede W. Pearson Education. 2012. DOI 10.1016/j.dss.2003.08.004
14. Self-management education: History, definition, outcomes, and mechanisms. Lorig K Holman H. Annals of Behavioral Medicine. 2003. DOI 10.1207/S15324796ABM2601_01
15. University research evaluation and funding: An international comparison. Geuna A Martin B. Minerva. 2003 vol: 41 (4) pp: 277-304. DOI 10.1023/B:MINE.0000005155.70870.bd
16. Ready for the future? Universities' capabilities to strategically manage their intellectual capital. Elena-P?rez S Saritas O Pook K Warden C. 2011 vol: 13 (2) pp: 31-48. DOI 10.1108/14636681111126238
17. Knowledge Management Practices in Higher Education. Kidwell J Linde K Johnson S. Educause Quarterly. 2000 (4) pp: 28-33.
18. Усков и др., 2017; Roumen & Kovatcheva, 2017
19. The use of intelligent information systems in the legal sphere "Journal of Multimedia Information System", VOL. 2, NO. 4, December 2015(pp. 311-316): ISSN 2383-7632 (Online)

<http://dx.doi.org/10.9717/JMIS.2015.2.4.311>

20. Reforms in Education in Uzbekistan: Information Technologies and Preparation of Lawyers International Journal of Research. e-ISSN:2348-6848, p-ISSN:2348-795X, Vol 5, No 19 (2018) August, <http://edupediapublications.org/journals/index.php/IJR/P.490-496>


21. Education management: a specific approach to the creation of an intellectual information system in the training of legal professionals RELIGACION Revista de Ciencias Sociales y Humanidades Vol. 4 o No 16 o Junio 2019. ISSN 2477-9083, <http://revista.religacion.com/index.php/about/article/view/388>

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

ЛИЗИНГ

Мурадова Наргиза Улжаевна,
Ассистент кафедры маркетинга СамИЭС
muradova.nargiza@bk.ru

ВОЗМОЖНОСТИ ЛИЗИНГА С УЧЕТОМ ЕГО ИННОВАЦИОННОГО ПОТЕНЦИАЛА

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-1-7>

АННОТАЦИЯ

Статья раскрывает потребность использования потенциала рынка лизинговых услуг с учетом инструментами маркетинга. Кроме того, в ней отражены уникальные аспекты лизинговых услуг, позволяющие способствовать решению инновационных лизинговых вопросов.

Ключевые слова: рынок лизинговых услуг; инновационные инвестиционные проекты; инновационные лизинговые услуги; лизинг.

Мурадова Наргиза Улжаевна,
СамИСИ маркетинг кафедраси ассистенти
muradova.nargiza@bk.ru

ЛИЗИНГНИНГ ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТИНИ ЭЪТИБОРГА ОЛГАН ҲОЛДАГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада лизингнинг инновацион нуқтаи назаридаги имкониятлари ҳамда унинг маркетинг воситалари ёрдамида фойдаланиш йўллари берилган. Шунингдек, унда лизинг орқали инновацион масалаларни ечиш йўллари берилган.

Калит сўзлар: лизинг хизматлари бозори; инновацион инвестицион лойиҳалар; инновацион лизинг хизматлари; лизинг.

Muradova Nargiza Uljaevna,
Assistant of the Marketing Department of the SamIES
muradova.nargiza@bk.ru

LEASING OPPORTUNITIES TAKING INTO ACCOUNT ITS INNOVATIVE POTENTIAL

ABSTRACT

The article reveals the need to use the potential of the leasing services market, taking into account marketing tools. In addition, it reflects the unique aspects of leasing services that contribute to the solution of innovative leasing issues.

Key words: leasing services market; innovative investment projects; innovative leasing services; leasing.

Еще в годы начала реализации условий модернизации экономики были уточнены основные подходы инновационной политики "...систематический анализ рынка и изучение спроса на инновационную продукцию (работы, услуги), оценку срока окупаемости, рентабельности и рисков, связанных с коммерциализацией инновационных продуктов" [1]. Тогда еще перспектива формирования инновационной системы страны отмечался первым президентом РУз И.А.Каримовым. Несомненно, современный этап мирового экономического развития требует формирование экономических стратегий, основанную на распространение и использование модернизированных подходов.

Одним из востребованных финансовыми услугами является лизинг, так как ее наличие дает массу благоприятных условий развития привлечения капитала и конкурентоспособности. Несомненно, что формирование и развитие рынка лизинговых услуг требует максимального удовлетворения ожиданий как лизингополучателя, так и лизингодателя. В связи с этим, в последнее время можно заметить тенденцию инновационных подходов перспективного развития рынка лизинговых услуг. Данная тенденция была замечена и подчеркнута указом Президента РУз "О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан": "...расширение объемов страховых, лизинговых и иных видов финансовых услуг за счет внедрения их новых видов и повышения качества, а также развитие фондового рынка как альтернативного источника привлечения капиталов и размещения свободных ресурсов предприятий, финансовых институтов и населения" [2].

Справедливо отметить экономическую роль лизинга в поддержке инноваций, что и явилось основным объектом изучения лизинга, как науки, например: научно-теоретические и вопросы методологии маркетинговых подходов изучены в научных трудах зарубежных ученых таких как его развития на рынке, в частности Ансофф И. [3], Друкер П. [4], Шумпетер Й. [5] и др., заключены их мнения и суждения по данному вопросу.

Среди ученых стран СНГ по направлению развития рынка услуг проводили маркетинговые исследования: Афанасьев М.П. [6], Березин И.С. [7], Голубков Е.П. [8] и др.

В научных исследованиях узбекских учёных-экономистов Бекмурадова А.Ш. [9], Болтабаева М.Р. [10], Адиловой З.Дж. [11], Фаттахова А.А. [12], Эргашходжаевой Ш.Ж. [13], Набиева Э.Г. [14]. отражены научные и теоретические вопросы развития рынка товаров и услуг инструментами маркетинга, в которых лизинг частично рассматривается как инструмент введения инноваций. Кроме того, изучение вопросов лизинга и развития лизинговых отношений освещены в

работах: Сабирова О.Ш. [15], Назаровой Ф.М. [16], Хазраткулова О.Т. [17], Юлдашева М.А. [18], Гольшева В.В. [19]

Наблюдая тенденции развития рынка финансовых услуг замечается, что процесс оказания инновационных лизинговых услуг становится менее предсказуемым. А это, нередко негативно влияет не только на устойчивость лизингополучателей, но и на уязвимость всего лизингового отношения лизингополучателя. Поэтому постоянное изучение лизингового рынка и лизинговых сделок, хорошее знание работниками лизингодателей специфики создаваемых ими элементов лизинга или услуг, умелое прогнозирование развития и определение перспектив развития рынка приобретают особую актуальность. Большое значение при этом имеет учет внешних и внутренних факторов, влияющих на уровень уязвимости лизинговых операций лизингополучателей.

Механизм регулирования лизинговых операций в Узбекистане во многом связан с уровнем развития маркетинга и устойчивой концепции маркетингового исследования в реальном секторе экономики, способным снизить риски заемщиков на разных стадиях реализации инновационно-инвестиционных проектов. Устойчивая концепция, которая должна поддерживаться составителями лизинговой сделки, должна составляться в зависимости от их финансового состояния. Поэтому реализация комплекса маркетинговых исследований в рамках осуществляемых лизинговых сделок должна базироваться на комплексе взаимосвязанных эффективных действий лизингодателя и лизингополучателя.

Особенности эффективных их действий заключается в: необходимости, наряду с мониторингом и контролем его реализации, создания условий для рентабельной работы лизинговых компаний в рамках лизингового рынка; обеспечении их ликвидности; максимальном удовлетворении потребностей лизингополучателей, структуре и качестве лизинговых услуг в целях достижения максимальной устойчивости деловых связей между лизингодателем и лизингополучателем.

В условиях усиливающейся конкуренции усилия лизингодателей должны быть направлены на своевременное налаживание каналов сбыта предмета лизинга. При этом лизинговые компании должны как можно шире использовать как собственные, так и несобственные каналы сбыта предмета лизинга.

Активная деятельность лизинговой компании по продвижению предметов инновационного лизинга согласно лизинговой сделки или услуг будет предопределяться:

значимостью предоставляемых инновационно-лизинговых услуг для лизингополучателей;

ценами на предметы инновационного лизинга; удобством использования предмета инновационного лизинга или услуг;

качеством и уровнем устойчивого обслуживания предмета инновационного лизинга или услуг;

репутацией и имиджем лизинговой компании в деловом мире.

В целях удержания и увеличения доли на рынке лизинговых услуг или услуг специалистам лизинговой компании необходимо осуществлять постоянную сегментацию рынка лизинговых услуг путем их анализа и возможных клиентов по определенным характеристикам, которые предлагают отдельным сегментам востребованные ими оборудования или лизинговые услуги и занимаются расширением их видов и повышением качества. В основе сегментации рынка лизинговых услуг должны лежать содержание и характер создаваемых лизинговых

услуг, клиентурный признак (юридические и физические лица, предприятия), а также географическая, демографическая, психокультурная и поведенческая сегментация.

Таким образом, качественное формирование инновационных лизинговых сделок должно начинаться с принятия взвешенных бизнес-планов, которые характеризуют не столько виды или этапы деятельности лизингополучателя, сколько его цели и стратегию освоения рынка лизинга или услуг. Если лизингополучатель выбрал их правильно, он может использовать самые разные формы организации работы по реализации лизингового оборудования в зависимости от конкретных внутренних обстоятельств и тех внешних условий, в которых осуществляет свою деятельность лизингополучатель.

Маркетинговые исследования инновационного развития лизинговых услуг, как правило, исходят из разграничения двух исторически сложившихся и хорошо изученных моделей использования имущества на условиях аренды и на условиях лизинга. При этом отождествление аренды с лизингом приводит к резкой поляризации взглядов на проблему выбора пути развития и характер проводимых мероприятий модернизации экономики.

Список использованной литературы:

1. Постановление Президента Республики Узбекистан "О дополнительных мерах по совершенствованию механизмов внедрения инноваций в отрасли и сферы экономики" №ПП-3698 от 7 мая 2018 г. www.lex.uz - национальная база данных законодательства Республики Узбекистан. Дата обращения 20 августа 2018 года.
2. Указ Президента РУз "О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан". Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70, № 20, ст. 354.
3. Ансофф И. Новая корпоративная стратегия. - СПб.: Питер, 1999. - 413 с.;
4. Друкер П. Задачи менеджмента в XXI веке. Пер. с англ. М.: Вильямс, 2000. - С.272;
5. Шумпетер Й. Теория экономического развития. - М.: Прогресс, 1982.;
6. Афанасьев М.П. Маркетинг: стратегия и практика фирмы. - М.: АО "Финстатипформ", 2015. - 112с.;
7. Березин И.С. Аналитический подход к разработке маркетинговой стратегии. Маркетинговый анализ и рыночная стратегия. - М., 2017. - 256 с.;
8. Голубков Е.П. Маркетинг: стратегии, планы, структуры. - М.: Дело, 2015. - 192 с.
9. Bekmurodov F.Sh. va boshqalar. Strategik marketing: O'quv qo'llanma. - T.: TDIU, 2010.;
10. Болтабаев М.Р. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси. И.ф.д. илм. дар. олиш учун ёз. диссерт. автореф. - Т.: ТДИУ, 2005.;
11. Адилова З.Ж. Халқаро бозорларга экспорт маҳсулотларини йўналтиришнинг маркетинг стратегияси, и.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. - Тошкент, 2008 й.;
12. Фаттахов А.А. Стратегии маркетинга в оптовой торговле и пути повышения её эффективности. автореф. дисс. на соиск. уч. ст. д.э.н. - Т.: 2004. - 42 с.;
13. Эргашходжаева Ш.Ж. "Инновацион маркетинг". Дарслик. - Т.: ТДИУ, 2014 й.;

14.Набиев Э.Г. Менежмент маркетинг. Ўқув қўлланма. - Т.: Чамаллак пресс. 2017. - 519 б.

15.Сабиров О.Ш. Современное состояние лизинговых отношений в Республике Узбекистан и основные направления их дальнейшего совершенствования. автореф. дисс. на соиск. уч. ст. к.э.н. - Т., 2001. - 22 с.;

16.Назарова Ф.М. Ўзбекистон Республикаси лизинг компаниялари фаолиятида маркетингнинг самарадорлиги. автореф. дисс. на соиск. уч. ст. к.э.н. - Т., 2005. - 22 с.;

17.Хазраткулов О.Т. Лизинг муносабатлари ва уларнинг ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари. автореф. дисс. на соиск. уч. ст. к.ю.н. - Т., 2007. - 21 с.;

18.Юлдашев М.А. Ўзбекистонда лизинг операцияларининг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари. автореф. дисс. на соиск. уч. ст. к.э.н. - Т., 2008. - 22 с.;


19.Гольшев В.В. Лизинг как фактор активизации инвестиционной политики в Республике Узбекистан. автореф. дисс. на соиск. уч. ст. к.э.н. - Ф., 2011. - 24 с.

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ

Хақбердиева Нозима
ТДШИ, ТИФ йўналиши 1-курс магистранти

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИДА ЭКСПОРТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН СИЁСАТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-1-8>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Корея Республикасида саноат экспортини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари кўриб чиқилди. "Корея мўъжизаси" нинг сабаблари ва муваффақиятлари очиб берилди, ҳукуматнинг саноатни ривожлантириш бўйича беш йиллик режалари ўрганилди. 1962 йилдан бошлаб саноат экспортини кўпайтиришга йўналтирилган ислохотларнинг хусусиятлари, шунингдек, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини рағбатлантириш бўйича давлат дастурларини амалга ошириш жараёни таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: Корея Республикаси, экспорт, Корея мўъжизаси, саноат маҳсулотлари экспорти

Haqberdieva Nozima
1-year master of TSIOS,
direction of foreign trade activity

STAGES OF FORMATION AND DEVELOPMENT OF EXPORT- ORIENTED POLICY IN THE REPUBLIC OF KOREA.

ABSTRACT

The article considers the main directions of industrial export development in the Republic of Korea. The reasons and successes of the "Korean miracle" are revealed, the five-year plans of the government for industrial development are studied. The analysis of the peculiarities of reforms aimed at increasing industrial exports since 1962, as well as the process of implementing state programs to stimulate the country's export potential, is carried out.

Keywords: Republic of Korea, export, Korean miracle, export of industrial products

Хакбердиева Нозима

Магистрант 1-курса ТашГИВ, направление ВЭД

ЭТАПЫ ФОРМИРОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ ЭКСПОРТООРИЕНТИРОВАННОЙ ПОЛИТИКИ В РЕСПУБЛИКЕ КОРЕЯ

АННОТАЦИЯ

В статье рассмотрены основные направления развития промышленного экспорта в Республике Корея. Раскрыты причины и успехи "Корейского чуда", изучены пятилетние планы правительства по промышленному развитию. Проведен анализ особенностей реформ, направленных на увеличение промышленного экспорта с 1962 года, а также процесса реализации государственных программ по стимулированию экспортного потенциала страны.

Ключевые слова: Республика Корея, экспорт, корейское чудо, экспорт промышленной продукции.

Корея Республикаси ўзининг жадал суръатларда ўсиш имкониятларини машаққатли меҳнат ва тиришқоқлик билан руёбга чиқарган, ҳар қандай ўта қолоқ ва камбағал давлат ҳам жуда катта ютуқларга эришиши мумкинлигини амалда исбот қилган жаҳондаги кам сонли мамлакатлардан бири.

Жанубий Кореяда саноат тармоғи экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган ислохотлар натижасига кўра, мамлакат экспортга йўналтирилган стратегияни амалга оширгандан сўнг мамлакат экспортининг ўсиш суръати кўрсаткичи бўйича жаҳонда биринчи ўринни эгаллаб келди. Мамлакатнинг ўтган асрнинг 60 йилларидаги бошланғич аянчли шарт-шароитлари ва бугунги эришган ютуқларини қиёслаган ҳолда иқтисодчилар ва мутахассислар томонидан "Корея мужизаси" деган термин расмий киритилган ва бошқа мамлакатлар томондан ўрганиш учун етарли асосга эга. Шу сабабли "Корея мужизаси" тажрибасини таҳлил қилиш, саноатни ривожлантириш мақсадида ҳукумат томонидан жорий қилинган 5 йиллик режаларни ўрганиш мақоланинг мақсади этиб белгиланган.

Жанубий Кореянинг 1962 йилдан бошлаб саноат экспортини оширишга қаратилган ислохотлари, экспорт салоҳиятини янада оширишни рағбатлантирувчи давлат дастурларининг жорий этилиши жараёнлари ва амал қилиш хусусиятлари мақоланинг предмети сифатида ўрганилади ва баён этилади.

Жанубий Кореянинг асосий иқтисодий ютуқлари унинг учинчи президенти Пак Чон Хи (март 1962й. - 26 октябр 1979 й.) номи билан боғлиқ. Янги сайланган президент ҳукумат ҳатти-ҳаракатини биринчи навбатда хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, экспорт ҳажмини кескин ошириш ва иқтисодиётни индустриаллаштириш каби йирик вазифаларни бажаришга йўналтирди. [1]

Пак Чонхи президентлигининг илк давридан АҚШнинг ҳам қўллаб-қувватлашлари сезиларли даражада амалга оширилди. Айниқса, Вьетнам урушида Жанубий Кореянинг АҚШ томонини қўллаб-қувватлаганлиги ҳам унга катта иқтисодий ва молиявий фойда келтирди. АҚШ президентлари Жонсон ва Никсонлар даврида АҚШ Жанубий Кореяга ўнлаб миллиард доллар миқдорда субсидия, грант ва қарз ва технологиялар берди.

Жанубий Корея айнан 60 йиллардан бошлаб экспортга йўналтирилган

индустрлаштириш стратегиясини юритар экан, миллий бозор ва ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялашга қаратилган фаол протекционизм сиёсатини юргиза бошлади.

Протекционизм сиёсатининг тўғридан-тўғри натижаларидан бири сифатида корей урушидан кейин чеболларнинг пайдо бўлиши ва фаол ривожланиши Жанубий Корейнинг кейинги иқтисодий тарихи учун аҳамиятли воқеа бўлди. Чеболлар саноат молия гуруҳлари бўлиб, одатда юқори даражада диверсификацияланган жараёнларни ўзида жамлайди. Маълумот сифатида бугунги кунда мамлакат ЯИМнинг деярли ярми чеболлар томонидан ишлаб чиқарилаётганлигини айтиб ўтиш мумкин.

Президент Пак ташаббуси билан миллий иқтисодиётнинг ривожланишига маъсул бир қанча давлат тизимлари ташкил этилди. Иқтисодий режалаштириш кенгаши (Economic Policy and the Economic Planning Board, EPB), Савдо ва саноат вазирлиги (Ministry of Trade and Industry, MTI), Молия вазирлиги шулар жумласидандир[2].

Президент Пак томонидан иқтисодий ривожланишнинг беш йилга мўлжалланган иқтисодий режаларига таянган давлат дастурлари тизимларига ўтилди. Хусусан, унинг раҳбарлиги остида Миллий қайта қуриш олий кенгаши томонидан 1962-1966 йилларга мўлжалланган Биринчи беш йиллик иқтисодий режа ишлаб чиқилди.

Беш йиллик йиллик иқтисодий ривожланиш режалари каби давлат дастурининг асосий мақсади қисқа муддатларда аҳоли турмуш даражасини сезиларли ошириш бўлса, мазкур мақсадга эришиш учун бир қанча муҳим вазифаларни ҳам бажариб борди. [3]

Биринчидан, беш йиллик режалар амалда мамлакатнинг узоқ муддатга мўлжалланган стратегик ривожланиш концепциясини ўзида акс эттирди ва давлатнинг иқтисодиёдаги ўрни ва аҳамиятини оширди.

Иккинчидан, иқтисодий ривожланиш дасурлари режали иқтисодиёт элементларини кучайишига олиб келди ва мамлакатда мавжуд тарқоқ ва кам бўлган турли хил ресурсларни (табiiй, меҳнат, молия ва бошқ.) марказлаштириш ва улардан самарали фойдаланиш имконини берди.

Учинчидан, қисқа муддатда мамлакатда индустрлаштириш, яъни юқори қўшилган қийматга саноат тармоқларини яратиш учун барча шарт-шароитларни комплекс ечимини тақдим этди.

Тўртинчидан, беш йиллик дастурларнинг яққол экспортга йўналтирилганлиги, қисқа муддатда танлаб олинган тармоқ маҳсулотларини ички ва ташқи бозорда юқори рақобатбардошлигини ва экспансиясини таъминлади.

Бешинчидан беш йиллик режалар мамлакатда мавжуд ижтимоий, иқтисодий, техник муаммоларни босқичма-босқич ва комплекс ечиш учун яхши замин яратиб берди. Жумладан, корхоналарни модернизация қилиш, қайта жиҳозлаш, ишчилар малакасини ошириш, касбий қайта тайёрлаш, меҳнат бозори талаблари асосида таълим тизимини модернизациялаш, юқори малакали инженер ва менежерлар қатламини шакллантириш шулар жумласига киради.

Беш йиллик иқтисодий режалар доирасида давлат томонидан саноатни ривожлантириш, экспортни қўллаб-қувватлаш ва ташқи бозорларни экспансия қилиш жараёнларини фаол рағбатлантиришга қаратилган ислохотлар изчил олиб борилди ва унинг натижасида қуйидаги иқтисодий восита ва чора-тадбирлардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилди.

- давлат томонидан хусусий ишлаб чиқарувчилар учун субсидиялар;

- экспортга йўналтирилган маҳсулотлардан солиқ тўловларини бутунлай олиб ташлаш ёки давлат томонидан компенсациялаш механизмларини яратиш;

- божхона тизимини ислоҳ қилиш натижасида маҳсулотлар экспорти жараёнини ўта соддалаштириш, божхона божларини товар турларига қараб камайтириб қўллаш ёки умуман бекор қилиш;

- маҳсулотни ташқи бозорларга олиб чиқиш бўйича ташқи иқтисодий муносабатлар йўналишида миллий экспортёрларга амалий консалтинглар бериш, бошқа харажатларини компенсациялаш ва бошқалар.

Ислоҳотлар доирасида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, миллий хўжаликни индустриалаштириш ва экспортни қўллаб-қувватлаш катта миқдорда инвестициялар талаб қилар эди. Ички манбаларнинг чекланганлигини эътиборга олиб, Жанубий Кореяда хорижий инвесторларни қўллаб-қувватлаш ва капитал маблағларини ҳимоя қилишни кафолатлаш бўйича қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий қилинди.

Олиб борилган ҳатти-ҳаракатлар таъсирида қисқа муддатда мамлакатга кириб келаётган хорижий капитал оқими миқдори 8 баробарга ошди. Бунинг натижасида, ўз навбатида, ЯИМнинг ўсишида ижобий суръатларга эришилди. Мазкур даврда қонунчиликдаги ўзгаришлар ҳам иқтисодий ўсишни таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлди.

Умуман олганда биринчи беш йиллик режани амалга ошириш натижасида молиявий ресурслар ва банклар давлат томонидан жиддий назоратга олиниб, барча имкониятлар миллий хўжалик рақобатбардошлигини оширишга сафарбар этилди.

Мазкур босқичда юқорида таъкидланганидек асосан Жанубий Корея давлати томонидан барқарор иқтисодиёт ва индустриалашнинг пойдеворини яратиш, иқтисодий ўсишнинг пойдевори ҳисобланган электроэнергияни ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шунингдек, озиқ-овқат етказиб беришни кўпайтирувчи ва шу орқали ижтимоий жараёнларни юмшатишга хизмат қилувчи минерал ўғитларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун биринчи навбатдаги давлат харажатлари ва ресурслари нефт кимё саноати, цемент саноати ва шу каби фундаментал маҳсулотларни етказиб берувчи саноат соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилди.

1-жадвал. Корея Республикасида саноат экспортини давлат томонидан ривожлантириш босқичлари ва асосий йўналишлари

т/р	Даврлар	Вазифалар	Тармоқлар
1	Биринчи беш йиллик режа 1962—1966	Барқарор иқтисодиёт ва индустриалашнинг пойдеворини яратиш: электроэнергия ва минерал ўғитларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш	Нефт кимё саноати, цемент саноати ва б.
2	Иккинчи беш йиллик режа 1967—1971	Саноатни модернизациялаш, шу давргача импорт қилинган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи тармоқлар ривожланишини рағбатлантириш	Машинасозлик ва кимё саноати

3	Учинчи беш йиллик режа 1972—1976	Экспортга йўналтирилган иқтисодиётга ўтишни яқунлаш, ташқи бозорларни жадал экспансия қилиш	Оғир саноат, кимё саноати, шу жумладан, машинасозлик, электроника, кемасозлик ва нефтни қайта ишлаш
	Тўртинчи беш йиллик режа 1977—1981	Жаҳон бозорларида рақобатбардош, юқори технологик ва илмталаб маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш	Машинасозлик, кемасозлик, электроника ва кимё саноати
	Бешинчи беш йиллик режа 1982—1986	Аҳолининг турмуш даражасини ошириш, ҳаёт сифатини яхшилаш, иқтисодиётни (ташқи савдо баланси) барқарорлаштириш	Оғир саноат ва кимё саноати
	Олтинчи беш йиллик режа 1987—1991	Ўтган даврда эришилган ютуқлар натижаларини мустаҳкамлаш, ижтимоий фаровонлик ва ҳамжиҳатликни ошириш	Оғир саноат, кимё, электроника саноати
	Еттинчи беш йиллик режа 1992—1996	Иқтисодиёт соҳаларида шаклланган номуносивликларни камайтириш, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, Жаҳон бозорларида миллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, жаҳон иқтисодий тизимида Кореянинг ролини ошириш, шунингдек, ижтимоий иқтисодий институтларнинг ролини ошириб бориш	Юқори технологияларга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқлар.

Манба: Южная Корея: настоящие причины грандиозного роста. <https://voxukraine.org/ru/koreya-prichiny-grandioznogo-rosta/> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Иккинчи беш йилликда (1967-1971 йиллар) Жанубий Корея ҳукумати томонидан асосан миллий саноатни модернизациялаш, шу давргача импорт қилинган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи тармоқлар ривожланишини рағбатлантириш амалга оширилди. Унинг натижасида миллий иқтисодиётнинг машинасозлик ва нефть кимёси соҳалари устувор даражада ривожлантирилди.

Иккинчи беш йиллик дастурда экспортга йўналтирилган саноатга бевосита ўтиш кўзда тутилган. Саноатда экспорт салоҳияти истиқболли бўлган тармоқлар ажралиб чиқди. Бунда ҳукумат томонидан ушбу тармоқлардаги хусусий тадбиркорлик ривожини учун барча шароитларни яратиш, шунингдек чет эл капитали асосида ишлаб чиқариш соҳаси инфраструктурасини кенгайтириш вазифалари амалга оширилди.

Мамлакат иқтисодий ривожланишининг иккинчи беш йиллик дастури биринчи беш йилликда олиб борилган саноат сиёсатининг мантиқий давоми бўлди. Нисбатан йирик экспорт корхоналарини яратилиши қисқа даврда миллий саноат ишлаб

чиқариш суръатини ўсишига олиб келди. Мазкур даврда миллий саноат ишлаб чиқаришнинг ўртача ўсиш кўрсаткичи 15 фоизни ташкил этди (маълумот учун, қишлоқ хўжалигида - 3,5%).

Учинчи беш йиллик режа 1971-1976-йилларда амалга оширилди. Мазкур босқичда экспортга йўналтирилган иқтисодиётга ўтишни яқунлаш, ташқи бозорларни жадал экспансия қилиш каби стратегик вазифалар таъминланди ва миллий хўжаликда шунингдек қуйидаги тадбирлар амалга оширилди:

- иқтисодиётнинг жадал ўсиш суръатларини таъминлаш;
- Корея Республикасининг минтақаларини пропорционал ривожланишини таъминлаш;
- аҳоли даромадларини ошириб бориш;
- қишлоқ аҳолиси турмушини яхшилаш;
- экспорт ҳажмини 2,5 баробарга ошириш;
- оғир саноат корхонлари қатламини кенгайтириш..

Учинчи беш йиллик даврида оғир саноатни ривожлантирилганлиги натижасида ЯИМ 14 фоизга, экспорт ҳажми 3 баробарга ошган ва 1976-йилга келиб 10,5 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган. Учинчи беш йиллик дастурда оғир ва кимё саноатини ривожлантириш масаласи қўйилди. Асосий эътибор хорижий технологияни маҳаллий шароитларга мослаштириш, малакали мутахассисларни тайёрлаш ва саноат ишлаб чиқариш тармоғини кенгайтиришда илмий тадқиқот ишларини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Саноат экспортини оширишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида экспорт таркибида қайта ишлаш саноати маҳсулотларининг улуши 1962-йилда 17 фоиздан 1976-йилда 88 фоизгача ўсди. Шунингдек мазкур даврда экспортнинг ўсиш суръати ЯИМнинг ўсиш суръатидан баланд бўлди. Бу эса мамлакатнинг ташқи дунё билан боғланиш имкониятларини ошаётганлигини кўрсатди. Йирик капитал ресурслар талаб қилувчи тармоқни ривожлантириш учун инвестиция ресурсларини жамлаш мақсадида 1974-йилда Миллий Инвестицион Фонд ташкил этилди ва унинг асосий мамблағлари оғир саноат тармоғини ривожлантиришга йўналтирилди.

Тўртинчи беш йиллик режа 1977-1981-йилларда амалга оширилди. Мазкур босқичда жаҳон бозорларида рақобатбардош, юқори технологик ва илмталаб маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлашга қаратилган ҳатти-ҳаракатлар миллий дастурлардан ўз ўрнини эгаллади.

Бунинг учун ҳукумат томонидан:

- иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;
- илмий изланиш ва конструкторлик тажрибаларни йўлга қўйиш;
- саноатни технологик модернизация қилиш;
- маҳаллий электрон техника маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг асосларини шакллантириш ишлари олиб борилди.

Тўртинчи беш йиллик дастурида Жанубий Корея экспортга йўналтирилган оғир ва кимё саноатини ривожлантириш бўйича олиб борилган барча чора-тадбирларни қўллашни давом эттирди. Тармоқларнинг ривожланиши учун асосий молиявий ресурслар тижорат банклари томонидан етқазиб берилди. Бироқ, ОРЕК мамлакатларининг яқдил ҳаракатлари таъсирида жаҳон бозорларида нефть нархларининг ўта қиммалаб кетиши нефть импортига тўлиқ боғлиқ бўлган Жанубий Корея иқтисодиётини ўта қийин шароитга олиб келди. Миллий иқтисодиёт учун катта молиявий йўқотишлар рўй берди.

Ушбу омилнинг таъсирида циклик инқирознинг айрим томонлари кўзга

ташланди. Жумладан, инфляция жараёнлари жадаллашди (29 фоиз), ЯИМнинг ўсиш суръатлари секинлашиб мамлакатнинг ташқи қарзи 30 дан 40 млрд. долларга ошиб кетди.

Банк ва молия тизимларининг давлат томонидан қаттиқ назоратга олиниши чекланган ресурсларни айнан белгиланган стратегия асосида мақсадли фойдаланиш имкониятини беради. Корея ҳукумати томонидан кредит-молия механизмини назорат қилиш ортидан саноатлаштириш мақсадларидаги банк кредитлари ва молиявий кўмак ажратилиши жадаллашди. Жумладан, 1980-йилларда барча банк қарзларининг ярмини ҳукумат кўрсатмаси орқали берилган ссудалар ташкил этарди.

Жорий тизим иқтисодий ўсишни тезлаштириш учун ресурсларни жалб қилиш билан бирга чекловларни ўрнатилиши ссуда капитали бозори ривожланиши ва банклар фаолиятига салбий таъсир кўрсатди. Юқори иқтисодий ўсиш шароитида корхоналарнинг қарз олинган ускуналарнинг улуши тез суръатларда ошди. Бу ўз ўрнида банкларга бўлган боғлиқликни кучайтирди. Жумладан, 1980-йилларнинг бошланишида Чеболлар 75 фоизга яқин банк кредитларини ўзларида жамладилар. Бу ҳолат корпорацияларнинг кучли кредит қарздорлигини ва уларнинг активларидаги ўзининг капиталини улушини камлигини келтириб чиқарди.

Бешинчи беш йиллик режа 1982-1986-йилларда амалга оширилди. Мазкур босқичда стратегик вазифа сифатида аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш, ҳаёт сифатини яхшилаш, иқтисодиётда шаклланган номутаносибликларни (ташқи савдо балансидаги ва бошқа) бартараф этган ҳолда унинг ривожланишини барқарорлаштириш режалаштирилди ва амалга оширилди.

Жанубий Корея ҳукумати томонидан мазкур босқичда юқори даражада шаклланган ташқи қарзни камайтириш, машинасозлик, юқори технологик маҳсулотлар ва илм-фан ишланмаларининг экспортдаги улушини ошириш орқали тўлов балансидаги номутаносибликларни камайтириш каби ҳатти-ҳаракатлар бажарилди.

Ташқи қарзни камайтириш мақсадида молия-кредит сиёсати кучайтирилиб, қисқа муддатли қарзлар қаттиқ назоратга олинган. Режа мобайнида ташқи бозорда экспорт маҳсулотларни оширишдаги қийинчиликлар юзага келгани сабабли режа кўрсаткичлари қайта кўриб чиқилган.

Дастурда мамлакатдаги ҳўжалик шароитларини жадал ўзгартириш мақсади кўзда тутилди. Тўлов баланси ҳолатини яхшилаш билан бирга инфляцияни тушириш мақсадида давлат томонидан тартибга солинадиган молия ва савдо соҳалари либераллаштирилди. Мазкур босқичда ҳукумат томонидан саноатни қўллаб қувватлаш, унинг экспорт салоҳиятини ташқи бозорларда сезиларли даражада оширишга қаратилган давлат дастурлари ишлаб чиқарилиб уларни амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди. Жумладан, экспортга йўналтирилган саноатнинг илмий-техник жараёнларини рағбатлантириш чоралари кўрилди. Ҳукумат илмий изланиш ва ишланмаларни ривожлантиришга хусусий капитал орқали қўллаб-қувватлашни янада фаоллаштириш учун бир қанча солиқ имтиёзлари, чегирмалар ва изланишларда ишлатиладиган ускуналарни амортизация қилишда катта имкониятлар яратди.

Берилган имтиёзлар ва қўлланилган рағбатлантириш механизмлари таъсирида ҳукумат ва хусусий инвесторларнинг илмий изланиш ва конструкторлик ишланмаларига бўлган харажатлари нисбати 1970-йилдаги 79:21 дан 1986-йилга келиб, 20:80 нисбатга ўзгарди.

Олтинчи беш йиллик режа 1987-1991-йилларда амалга оширилди ва мазкур

босқичда ўтган даврда эришилган ютуқлар натижаларини мустаҳкамлаш, ижтимоий фаровонлик ва ҳамжиҳатликни ошириш каби стратегик масалалар кун тартибига олиб чиқилди. Мазкур даврга келиб Жанубий Корея Республикаси саноат экспортёрларининг жаҳон бозорларидаги ўрни жадал суръатларда ошиб бораётганлигини эътироф этган ҳолда ҳукумат ушбу тенденцияни янада мустаҳкамлаш ва кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширди.

Унга кўра, мазкур вазифалар доирасида юқори технологик экспорт маҳсулотлари улушини ошириб бориш, экспорт ҳисобига ЯИМнинг ўсишини камида 50 фоизини таъминлаш, замонавий ва илғор технологияларни устувор жорий қилиш, мамлакат ҳудудларидаги ишлаб чиқариш қувватларини комплекс ривожлантириш, ижтимоий тизимни такомиллаштириш механизмлари орқали аҳоли яшаш даражасини яхшилаш.

7. Еттинчи беш йиллик режа 1992-1996 йиллар давомида амалга оширилиб, мазкур даврда Жанубий Корея иқтисодиёти соҳаларида шаклланган номутаносибликларни камайитириш, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, жаҳон бозорларида миллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини янада оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Шунингдек, илм-фан соҳаси ривожлантирилди.

Корея Республикаси саноат экспорти салоҳиятини ошириш масаласи долзарб бўлиб, унинг товар таркиби ва географик таркибини диверсификациялаш бўйича мамлакат ҳукумати томонидан халқаро доирада, мамлакатлараро ва икки томонлама ташқи савдо битимлари, экспортни қўллаб-қувватлашга қаратилган турли давлат дастурлари ва молиявий механизмлар жорий этиб борилади.

Жанубий Кореянинг саноат экспорти салоҳиятини ўрганиш жараёнида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мамлакат мазкур йўналишда ниҳоятда катта ютуқларни қўлга киритган. Шунингдек, саноат экспорт салоҳиятини оширишга имкон берувчи ички ва ташқи захиралар тўлиқ сафарбар этилган ва улардан самарали фойдаланилган.

References

1. Экономика Республики Корея <http://www.ereport.ru/articles/weconomy/skorea.htm>
2. А. В. Латышов. Тенденции внешней торговли Республики Кореи. // Международная торговля и торговая политика. 2018 г. №2 (14).
3. Буторина К.А. "Экономическая стратегия южнокорейских президентов-диктаторов 1965-1985 гг."



ISSN 2181-9491

Doi Journal 10.26739/2181-9491

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР

ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ

INNOVATIONS IN ECONOMY

№1 (2020)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000